АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ва ҚОНУН

2002 йил
4 ИЮН
сешанба
№ 22 (278)
Сотувда
эркин
нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Ҳар бир кун, ҳафта ой ва йилнинг ўзига хос долзарб мавзуси, эсда қоладиган воқеалари бўлади. Агар шу фикрдан келиб чиқадиган бўлсак, ўтган ҳафтада мамлакатимиз ҳаётида юз берган воқеа-ҳодисалар ичида халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси ва унда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов сўзлаган нутқни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Юртбошимизнинг халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи ҳаммамиз, айниқса, жойларда раҳбарлик курсисида ўтирган замондошларимиз учун яна бир янги дастуриламал, янги қўлланма бўлди десак, асло муболаға эмас.

Президентимиз нутқида таъкидлаб ўтганидек, Навоий вилояти ўз ер ости ва ер усти бойликлари заҳираси билан, шубҳасиз, мамлакатимиздаги вилоятлар орасида етакчи ўринлардан бирида туради.

Хўш, шундай экан, нима учун вилоят иқтисодий ҳаётида кейинги йилларда юксалиш сезилмаётир? Аксинча, юксалиш ўрнига баъзи бир соҳаларда таназзул ҳолатлари кўзга ташланаяпти?

Мазкур саволларга ўқувчиларимиз мамлакатимиз раҳбарининг нутқини ўқиш жараёнида аниқ жавоб олади. Келинг, бир мисол келтирайлик. Мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодини юксалтириш учун чет эл сармоясини жалб этиш, чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўшма корхоналар очиш учун жуда кенг имкониятлар яратилди. Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакатимизнинг турли вилоят ва шаҳарларида йирик қўшма корхоналар фаолият кўрсата бошлади. Уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бугун жаҳон бозорларида муносиб ўрин олаётганини ҳамма кўриб-билиб турибди. Бундай корхоналар ҳақида бугун мактаб ўқувчилари ҳам кўплаб мисол келтириши мумкин.

Афсуски, бу борада ҳам Навоий вилоятида олиб борилаётган ишлар ҳавас қилгулик эмас. Юртбошимиз ўз нутқида бу масалага ҳам алоҳида урғу берди:

«Маълумки, мамлакатимизда чет эл сармоядорларининг фаолият кўрсатиши учун тегишли ҳуқуқий замин, қулай имтиёзлар тизими яратилган. Лекин вилоятда хорижий ҳамкорлар билан ишлашга етарли аҳамият берилмагани натижасида Навоий шаҳридаги "Қизилқум-Рус-Нур" ва "Прибор" каби қўшма корхоналар тўхтаб қолган".

Президентимиз шунингдек, Қизилтепа, Томди, Нурота ва Учқудуқ туманларида бугунги кунга қадар ҳали бирорта қўшма корхона ташкил этилмаганлиги, бу масалага жойлардаги ҳокимлар бефарқ қараётганини ҳақли равишда таъкидлаб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида нафақат саноат, балки қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида ҳам кўплаб нуқсонларга йўл қўйилаётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Жумладан, ердан хўжасизларча фойдаланиш, ер майдонларининг экилмай қолиб кетиши ва мавжуд экин майдонларини ҳосилдорлигини ошириш ҳолатлари ҳам учраётганлигига эътибор қаратиб, **"Ердан хўжасизларча фойдаланиш натижасида ўтган йили 2 минг 57 гектар майдонга экин экилмасдан қолиб кетгани, 1 минг 828 гектар ер эса ҳисоботдан яширилгани аниқланди"**, деб таъкидлади.

Юртбошимизнинг нутқини телевизордан тинглар эканман, газетамизнинг ўтган сонида "Ажаб савдолар" рукни остида чоп этилган журналист Ёркул Умаровнинг "Ерсиз фермер ёки сунъий тўсиқ келтирган саргардонлик хусусида" сарлавҳали мақоласи ёдимга тушди. Газетхонларимизнинг ёдларида бўлса, ўша мақолада Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги "Олтинсой" ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи фермер Умрзоқ Мингбоевнинг ўз фермер хўжалиги учун ер олиш йўлида бошидан ўтказган ғавғолар тилга олинган эди. Албатта, ўша мақолани ўқиган ўқувчиларнинг баъзилари "Ҳа, энди ернинг ўзи кам бўлса, ҳозир ҳамма фермер бўламанга тушиб қолган. Ҳаммага ер етказиб бўладими", деб ўйлаган бўлишлари мумкин. Лекин вилоятда экилмай қолган 2 минг 57 гектар ер майдони мавжудлигини билишса, чиндан-да ҳайрон бўлишлари табиий.

Хўш, шунча ер майдонига экин экишнинг иложи бўлмапти, нега у талабгор фермерларга ажратиб берилмади? Ахир, ортиқча ер бор экан-ку, нега шундай ер майдонлари У. Мингбоев каби фермерларга қонун асосида берилмаган? Қолаверса, вилоятда У.Мингбоев каби ер ололмай юрган фермер бир нафаргина эмасдир? Ота-боболаримиз экиладиган ернинг умрини эмасдан ўтказиш ҳам увол, дейишади. Шундай экан, мавжуд экин майдонининг умрини увол қилишдан қимга фойда? Ахир, экилмай қолган 2 минг 57 гектар ер майдонига пахта экилганда, галла ёки полиз маҳсулотлари уруғи қадалганда озгина маҳсулот олинган бўлармиди? Ўша олинмай қолган маҳсулот ва ундан келиши мумкин бўлган фойдани вилоят иқтисодини янада юксалтиришга қаратиш мумкин эди-ку? Нега вилоятда шу соҳага мутасадди бўлган раҳбарлар бу масалага панжа ортидан қарашди? Бу каби саволлар ҳар бир юртдошимизнинг қалби ўрташи шубҳасиз.

Яна **"...бир минг 828 гектар ер эса ҳисоботдан яширилгани аниқланди"**, деб таъкидлаб ўтди Юртбошимиз. Хўш, мавжуд экин майдонини ҳисоботдан яшириш кимга керак бўлди? Биз ерни ҳисоботдан яшириб кимни алдаяпмиз? Кимнинг кўзига чўп суқяпмиз? Ўзимизнинг эмасми? Хўп, бир пайтлар балки собиқ марказни алдаш ёки ерли аҳолининг фойдаси учун ёки мажбурликдан қўшиб ёзиш, ортиқча ерни яшириш керак бўлгандир. Лекин бугун кимга керак бундай алдам-қалдамлар? Бугун бундай ёлғондан ўзимиз, халқимиз зарар кўради-ку? Шундай экан, вилоятдаги соҳа мутасаддиларининг мана шу оддий ҳақиқатга ҳам ақллари етмаганми, деган савол туғилиши табиий. Афсуски, биз ўша мутасаддиларни ақлсизликда айблай олмаймиз. Чунки уларнинг ўзларига яраша ақллари бор. Агар ақллари бўлмаганида эди, улар минглаб гектар ер майдонларини ҳосилдорлигини ошириб қолмаган бўлардилар. Мана шу яшириб қолинган ерларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эвазига, ўз чўнтакларини қаппайтиришни ўйламаган бўлардилар. Тўғрироғи, уларни ишониб раҳбар деб қўйган халқнинг чўнтагига қўл солмасди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида қишлоқ хўжалиги соҳасида ишловчиларга зарур шарт-шароитлар яратиб берилмаётганлиги, уларнинг оғирини енгил қилиш, деҳқон меҳнатини рағбатлантиришга этиборсиз қаралаётганини ҳам айтиб ўтди. Жумладан, Юртбошимиз **"Мисол учун, пахта етиштириш шартномасини бажарган оилавий пудратчиларга берилиши лозим бўлган 3 минг 262 тонна пахта ёғидан фақат 155 тоннаси, 14 минг 679 тонна кунжарадан 230 тоннаси, 11 минг 417 тонна шелухадан 217 тоннаси деҳқонларга тарқатиб берилган, холос"**, деб таъкидлади.

Шу ўринда берилиши керак бўлган ва ҳақиқатда берилган ёғ, кунжара ҳамда шелуханинг ўртасидаги фарқни ҳисоблаб чиқиш учун олим бўлиш керак эмас. Оддий мактаб ўқувчиси ҳам бу фарқни осонгина чиқариб беради.

Хўш, берилмай қолган минглаб тонна маҳсулотлар қаерга кетди? Нега пахтани экиб етиштирган, барча заҳматли меҳнатларига дош берган деҳқон эмас, бошқа бировлар бу маҳсулотларга эга чиқишди? Вилоят деҳқонларининг минг-минг тонналаб ҳақларини «туя» қилганлар бугун бу саволга қандай жавоб беришар экан? Сессияда вилоятда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иши ривожланиш ўрнига йилдан йилга орқага кетаётганлиги таъкидланди. Мана шу орқага кетишнинг асосий сабабларидан бири ҳам деҳқон меҳнатининг рағбатлантирилмаётганлиги эмасми? Ахир, бозор иқтисодининг ҳам ўзига хос қонун-қоидалари бор. Қачонки, инсон ўзи меҳнат қилаётган ишдан манфаатдор бўлса, яхшироқ меҳнат қилади. Моддий манфаатдорлик йўқолган жойда эса ўз-ўзидан ташаббускорлик, жонкуярлик ҳам барҳам топади.

Бугун раҳбарлик дегани алоҳида имтиёзу қатор-қатор хизмат машиналари, дегани эмас-ку? Бугуннинг раҳбари қандай бўлиши ҳақида Юртбошимиз ўз нутқларида бир эмас, бир неча марта тўхталиб ўтганлар. Наҳотки, Навоий вилоятининг раҳбар ходимлари бундан ўз вақтида тўғри хулоса чиқариб олмади?

Албатта, улар бугуннинг раҳбари қандай бўлиши кераклигини жуда яхши билишади. Агар бу ҳақда савол берсангиз, шубҳасиз, керакли жавобни бера оладилар. Фақат ўзлари билганларига амал қилгилари келмаган ёки амал қилишни истамаган. Мана шу амал қилмасликни оқибатида бугун вилоятда жуда кўп муаммолар юзага келди. Ана шу муаммоларни ечиш учун ҳам халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси ўтказилди.

Умуман айтганда, сессияни кузатар эканман, шундай хулосага келдим: халқни, Президентни алдаш керак эмас. Уларнинг ишончини суиистеъмол қилиб бўлмайди. Сизга ишониб, каттами-кичикми — раҳбарлик лавозимини топширишдими, ишончни оқланг. Ана шунда эл-юрт олдида юзингиз ёруғ бўлади.

И. ҲАМРОЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

Мен она деганда Ватанни, Ватан деганда онани тушунаман. Аёлни, онани улуғлаш эса, Ватанни, юртни улуғлашдир.

Ислом КАРИМОВ

31 май куни Навоий шаҳрида халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Унда Президент Ислом Каримов иштирок этиб, нутқ сўзлади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Б. Рўзиевни Навоий вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.

* * *

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан пойтахтимизда Республика Перинатал маркази фойдаланишга топширилди.

* * *

Сирдарё вилояти пилла-корлари давлатга пилла сотиш шартнома режасини муваффақиятли бажарди.

* * *

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Болалар ташкилотининг биринчи Республика анжумани бўлиб ўтди.

* * *

Тошкент давлат Техника университетида фаолият кўрсатаётган "Ёшларнинг Беруний академияси" ҳузурида иқтидорли талабалар иштирокида "Фан ва техника тараққиётида ёшлар" мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

* * *

Тошкент ислом университетида "Динлараро тотувлик барқарорлигида диний манбаларнинг ўрни" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

* * *

Италия пойтахти Рим шаҳрида Россия ва НАТОга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди.

Adliya tizimi

ЖИЗЗАХ

Вилоят адлия бошқармасига келиб тушаётган аризаларни ўрганиш жараёнида кўпгина ҳолатларда корхоналар томонидан фермер хўжаликлари билан тузилган контрактация шартнома мажбуриятлари бажарилмаётгани аниқланмоқда. Бундай ҳолатлар юзасидан бошқарма томонидан фермер хўжаликлари манфаатини ҳимоя қилиб, 2002 йил биринчи чораги давомида судларга 50 та даъво аризалари киритилди. Жумладан, "Машъал-97" фермер хўжалиги Зарбдор туман пахта тозалаш корхонаси билан тузилган шартномага асосан 1999 — 2000 йилларда корхонага пахта хомашёси топширган. Корхона топширилган пахта хомашёсининг 1.323.067 сўм пулини ўтказиб бермаган. Арнасой туманидаги "Сайқал" фермер хўжалиги эса "Пахтакор" пахта тозалаш корхонаси билан 2001 йилда 35,0 тонна пахта хомашёси етиштириб бериш бўйича шартнома тузган. Фермер хўжалиги шартномага 35,0 тонна пахта хомашёси топириб, ўз мажбуриятини бажарган. Аммо "Пахтакор" пахта тозалаш корхонасининг мажбуриятни бажармаган, яъни фермер хўжалиги топширган пахта хомашёсининг 2.316.126. сўмини ўз вақтида ўтказиб бермаган. Ушбу ҳар икки ҳолат бўйича фермер хўжаликлар манфаатларини кўзлаб судга даъво аризаси киритилиб, Зарбдор туман пахта тозалаш корхонасидан "Машъал" фермер хўжалиги фойдасига 1.323.067 сўм асосий қарзи, 661.533 сўм устама ҳақ, жами — 1.984.600 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилган. "Зарбдор" пахта тозалаш корхонаси бош ҳисобчиси Неъмат Деҳқонов шартномага амал қилмаган ва шартнома мажбуриятларини бажармагани сабабли "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 176/1-моддаси билан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида, яъни 34.300 сўм тўлаш тўғрисида маъмурий жазога тортилди. Жавобгар — Пахтакор туман пахта тозалаш корхонаси ҳисобидан "Сайқал" фермер хўжалиги фойдасига 619.126 сўм асосий қарз, 1.158.063 сўм жарима, жами — 1.777.189 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилди. "Пахтакор" пахта тозалаш корхонаси раҳбари Абдуҳамид Алиев ҳам айбдорлиги ва шартнома мажбуриятини бажармагани сабабли худди шундай маъмурий жазога тортилди.

"ИНСОН ва ҚОНУН"га

ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги "Соҳилобод" ширкат хўжалиги бошқаруви газетанинг 2002 йил 30 апрелдаги сонида чоп этилган "Андишанинг оти кўрқоқ эмас" сарлавҳали мақола юзасидан йиғилиш ўтказиб, ҳақиқатан ҳам, газетада ёзилган эътирозлар тўғри эканлигини тасдиқлади.

"Маҳмуджон-98" фермер хўжалиги ва бошқа фермер хўжаликлардан бўлган қарзларимизни бартараф этиш мақсадида изланиш олиб бориб, 2001 йилнинг 10 октябрида вино қадоқлаш учун лицензия (рухсатнома) олганимиз ўз самарасини берди. Яъни корхонамизда қадоқлаб сотилган вино маҳсулоти ҳисобидан хўжалик ҳисоб-рақамига тушаётган пул маблағларидан фермер ва бошқа хўжаликлардан бўлган қарзларимизни ҳисоб-китоб қилдик. Шу билан бир қаторда "Маҳмуджон-98" фермер хўжалигининг асосий ҳақи, устама ва суд харажатларини ҳисобга олганда — жами 643021 сўм, 2002 йил 10 январ куни 200000 сўм, 2002 йил 19 январ куни 100000 сўм, 2002 йил 28 январ куни тўлов талабномаси билан 200000 сўм, 2002 йил 15 феврал куни тўлов талабномаси билан 134021 сўмни фермер хўжалигининг ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинган.

"Соҳилобод" ширкат хўжалиги мақолада тилга олинган камчиликлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда бундан кейин камчиликларга йўл қўймаслик чораларини кўради.

О. ИСМАТУЛЛАЕВ,
"Соҳилобод" ширкат хўжалиги бошқарув раиси

ШИКОЯТ ҚИЛАДИЛАР

Мен 1997 йили ўзим яшаб турган Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидаги ташландиқ дала шийпонини сотиб олдим. Хўжаликнинг масъул комиссияси уни 233882 сўмга баҳолади. Мен дастлаб хўжалик ҳисобчиси Шариповга 500000 сўм, хўжалик раиси А.Сатторовга 180000 сўм бердим. Кейин билсам, ҳисобчи менга пул олгани тўғрисида қалбаки тўлов қоғози берган экан. Раис эса бошида "Эрта кел, индин кел", дея сарсон қилди, сўнгра очиқчасига таъмагирлик қилишга ўтди. Шундан сўнг ўртамизда зиддият бошланди. Натижада раис комиссия тасдиқлаган далолатномадаги имзосини ўчириб ташлади. Сал кейинроқ хужжатни бутунлай йўқотди. Шундан сўнг 2001 йил бу ҳақда туман ҳокимиятига мурожжат қилдим. Бу ишни ҳал қилиш учун ҳокимият вакили билан раис ҳузурига келдик. Раснинг жазаваси тутиб "Сен ҳали менинг устимдан ёзиб юрибсан-ми, аввал олсанг ҳам энди ололмайсан", деб рад жавобини берди. Ҳокимиятдан келган вакил ҳам ҳеч нарса қила олмади. Бу пайтда биз дала шийпонини таъмирлаб, уйжой қуриб яшаётгандик. Раис буни ҳам кўп кўрди. Шундан буён дала шийпони тугул раисга берган пулимни ҳам ололмай сарсонман. Менга бу муаммони ҳал этишда ёрдам беришингизни илтимос қиламан.

Мусаллам ТОЖИДДИНОВ,
Сариосиё тумани,
Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги "Чорбоғ" қишлоғи

"ЧАЛАҚУРАШ"

ЁХУД ИШДАН ҲАЙДАШНИНГ АНТИҚА УСУЛИ ҲАҚИДА

Мазкур воқеани ҳикоя қилишдан олдин шундай ҳақли бир саволга жавоб изласак: хўш, шикоят хати нега ёзилади? Бу саволга дафъатан, аниқ ва лўнда жавоб бериш мушкул, албатта. Лекин шуниси аниқки, жойларда юзага келаётган муаммолар ўз ечимини ўша маҳаллий шароитда топмаса, қонуний нуқтаи назардан адолатли ҳал этилмаса, ёки ҳақиқат юзага чиқмаса, шикоятлар ёзила бошланади.

Шу ўринда таҳririятимизга келган шикоят хати ҳақида фикр юритишдан олдин унинг матнини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман: "Ҳурматли "Инсон ва қонун"газетаси ходимлари! Шикоят хатимиз мазмуни шундан иборатки, биз ноҳақ ишдан ҳайдалдик. Ахир, бугуннинг раҳбари ходимларини жипслаштириб, аниқ мақсадлар сари етаклай олиши, бунга эришиш йўлида бўлиши керак эмасми? Навоий вилоят Халқ банки бошқармаси бошлиғи Саъдулла Халилов эса бундай қилмади. Илгари у Хатирчи туман «Пахтабанк»и бошқарувчиси лавозимидан йўл қўйган қатор камчиликлари учун бўшатилган эди. Эндиликда у вилоят Халқ банкини бошқараяпти.

Бизни ёппасига ишдан бўшатгандан сўнг шу йилнинг март ойида сизга мурожаат билан чиқдик. Улар бизни тинчлантириш мақсадида ўн кун ўқитишди. Сизларни ўқитиб, ўз вазифаларингизга қайта тиклаймиз, деб алдашди. Бизга С. Халилов имтиҳондан 70-80 фоиз ходимларни «йиқитади», шу тариқа «ўч»ини олади, дейишди. Шундан сўнг биз Республика Халқ банки бошқарувига 11-апрел куни С. Халиловни комиссия таркибидан чиқаришларини сўраб телеграмма жўнатдик. Ўқишни ташкил этишда қонун бузилишига йўл қўйилди. Чунки бизни ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ чиқарилган бўлиб, ўқишга жалб қилиш учун қайта ишга қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқариш лозим эди. Ваҳоланки, шундай буйруқ бўлмагач, имтиҳон топширишимиз ҳам ноқонуний ҳисобланади. Буларнинг барчасини ҳаммаси С, Халиловни найранглари деб ҳисоблаймиз.

13-апрел куни республика Халқ банки бошқаруви томонидан тузилган комиссия аттестация ўтказмоқчи бўлишди. Биз комиссия таркибидан норози эканлигимизни ёзма равишда билдирдик. Комиссия таркибидан С. Халиловни чиқаришни яна бир бор сўрадик. Республика Халқ банки бошқаруви раисининг ўринбосари, комиссия раиси Н. Йўлдошев эса буни эътиборга олишниям истамади. С. Халилов ниятига етди. Сабаби — имтиҳонга кирган 32 нафар ходимдан 21 таси «йиқилди». С.Халилов 2002 йилнинг февралида вилоят Марказий банки томонидан ўтказилган текшириш натижаларини яшириш мақсадида текширувчи Камолиддин Ҳамзаев билан тил бириктириб, унинг отасига кредит берди. Кўриниб турибдики, С. Халилов мамлакатимиз қонунларини умуман писанд қилмаслиги ва ўзини таниш-билишларини пеш қилиб, бугунги кунда кўплаб фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини оёқости қилмоқда.

Имзо чекувчилар: Х. Асадов, М. Назарова, Т. Ражабова, М.Бердиева, М. Расулова... жами 30 нафар банк ходими."

Биз мазкур шикоят хатини ўрганиш, унда баён этилган далиллар ҳақиқатга нечоғлик яқинлигига ойдинлик киритиш мақсадида вилоят Халқ банкининг Хатирчи туман бўлимида бўлдик. Ариза муаллифларининг айримлари билан суҳбатлашдик. Шикоят аризасидаги айтилган сўзларнинг тўғри ёки нотўғрилигини ходимларнинг виждонига ҳавола қилиб, эътиборни асосий мақсад — нега ишдан бўшатганлигига қаратдик.

— Мен 30 йилдан буён шу ташкилотда ишлайман, — дейди Халқ банкининг пул алмаштириш хазиначиси Моҳира Тонготарова, — Шу даврда ўндан зиёд бошлиқлар алмашди. Мени учинчи март куни мутахассислигинг тўғри келмайди, деб ишдан бўшатишди. Республика халқ банки бошқарувчиси томонидан бизни ишдан олганлигимиз тўғрисидаги буйруқни С. Халилов яширди. У имтиҳондан бизни ўтказмаслигини очиқ-ойдин айтган эди. Биз аттестация нотўғри ўтказилганидан норозимиз. Афсуски, мени ишдан ноҳақ ҳайдашди. Хонадан йиғлаб чиқиб кетдим.

— Имтиҳон пайтида ҳақ-ҳуқуқларим поймол бўлди, — дея суҳбатга қўшилди Нурбиби Ҳусанова. — Мен 27 йилдан бери шу ерда ҳар хил лавозимда ишладим. 2000 йил якуни билан вилоят бўйича "Энг яхши хазиначи" деган фахрий ёрлиқ олгандим. Сиздан илтимос, ҳақиқатни аниқлашда амалий ёрдам берсангиз?

— Бундай можаронинг келиб чиқишига С. Халилов айбдор, — дейди Ибодат Ёқубова. — Мақсадим шу банкда халқимизга беминнат хизмат қилиб нафақага чиқиш эди. Афсус...

Айни шунга ўхшаш фикрларни халқ банкининг собиқ ходимлари Тоштемир Қурбонов, Беҳзод Холқуловлар ҳам билдиришди. Ходимларнинг мақсади аниқ; улар ишга яна қайта тикланишини хоҳлайди.

Биз вилоят Халқ банки бошқарувчиси Саъдулла Халиловга учрашиб, хат мазмуни билан таништирдик ва можаронинг келиб чиқиш сабабларини сўрадик.

— Гапнинг очиғи, банкда меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Менинг шаънимга айтилган сўзлар бўҳтон. Мен буни тан олмайман, — деди у. — Мен республика Халқ банкининг 2002 йил 28 март кунги III-КБ сонли буйруғини бажардим, холос. Ўзим бу ерга 2001 йилнинг 10-декабридан бошлиқ бўлиб келдим. Банк тизимида мутахассислиги бўлмаган ходимларни лавозимидан озод этиш, акс ҳолда уларга нисбатан қаттиқ интизомий чора кўриш тўғрисида юқоридан буйруқ берилган. Бирорта ходимга нисбатан ғаразим йўқ. Бошлиқ нима ҳам дерди?!. Ўша буйруқнинг иккинчи бандида "Халқ банки ўқув маркази томонидан жорий йилнинг 1-апрелидан Хатирчи туман бўлимида ўн кунлик ўқув курси ташкил этилсин ва ходимларга сертификат берилиши таъминлансин," дейилган. Хўш, 6 кишидан иборат комиссия ходимларнинг билими ва касб малакасини тўғри баҳоладими? Биз учун бу қоронғу. Нега энди 32 нафар ходимдан 21 нафари ўз ишига нолойиқ деб топилди. Ахир, улар шу банкда узоқ йиллардан буён ишлаётган эди-ку! Уларнинг мутахассисликларини текширганимизда ҳақиқатан ҳам, турли касб эгалари эканлиги, банк мутахассислиги бўйича ҳужжатлари йўқлиги маълум бўлди. Илгариги раҳбарлар уларни ишга қабул қилаётганда наҳотки ҳужжатларини кўришмаган бўлишса, дея ҳайрон бўлдик.

— Бу бир «кўртугун», — дейди банкнинг туман бўлими бошлиқ муовини Рустам Ярашев, — уни ечиш қийин. Мен вазиятни яхши биламан, жамоада муҳит бузилган. Бизда ташкилотчилик, ишбилармонлик, қатъий интизом етишмайди. Гурухбозлик пайдо бўлаяпти. Бунинг оқибати яхшиликка олиб келмайди. Ишдан бўшаган ходимларимиз адолат истаб фуқаролик судига мурожаат қилишди. Ҳозир суд давом этяпти. Ҳақиқат қарор топмоқда.

Ҳуллас, хатни ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдикки, Рустам Ярашевнинг гапида жон бор. Ёзишмалар, ишдан бўшатишлар, ноҳақликлар банк фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Банк 1929 йилда қурилган ва нураб ётган эски биносида жойлашган. Раҳбарларнинг эса қурилиш ора йўлда қолган янги бинога қарашларига имкон топилмаяпти.

Банкнинг собиқ ходимларига ечимсиз муаммо эмас, балки амалий, аниқ жавоб керак. Чунки улар ўзларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тикланишини талаб этишмоқда. Уларнинг талаби тўғри бўлса, ҳақли талаби бажарилиши шарт. Бунинг учун тегишли мутасадди ташкилотлар, туман ҳокимлиги, республика ва вилоят Халқ банки раҳбарлари ҳақиқатни аниқлашда, масалани қонуний ҳал қилишда амалий ёрдам берадилар, деб ўйлаймиз.

Ёркул УМАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Qonun va biz

Zamon savollari

ЛОҚАЙДЛИК ТЕГИРМОНИ

У АЙЛАНГАНДА КИМГА ЗИЁН, КИМГА ФОЙДА КЕЛТИРАДИ?

- *Хўш, бу воқеа нега рўй берди?*
- *Тадбиркор нега сарсон-саргардон бўлди?*
- *Бу воқеанинг асосий айбдори ким?*

Одатда, ҳар бир тегирмон айланганда, буғдой унга айланади, одамларнинг ризқ-рўзи пайдо бўлади. Тегирмон гуриллаб айланиб турса, қўшиқ ҳам авжига чиқади, турмушга файз-барака киради.

Аммо сира ўйлаб кўрганмисиз, лоқайдлик тегирмони айланганда, қандай ҳол юз беради? Бепарволик донидан кишининг қорнини тўйғазадиган бирон-бир нарса чиққанини сира кўрганмисиз? Афсуски, биз ҳам кўрмаганмиз. Амалдаги қонунларга нисбатан лоқайд, бепарволик тегирмони айланганда, кишиларнинг овора-ю сарсонгарчилиги бошланиб, адолатни қарор топтириш йўлида елиб-югуришлари кўз ўнгимиздан бир-бир ўтади.

Қуйида ана шундай лоқайдлик тегирмонининг айланиши оқибатида юз берган сарсон-саргардончилик ҳақида фикр-мулоҳаза юритамиз.

Амударё тумани нафақат Қорақалпоғистонда, балки Ўзбекистонда маълум-у машҳур туманлардан бири саналади. Туман азал-азалдан меҳнаткаш, аҳил ва бағрикенг халқи билан донг чиқарган. Мустақиллигимиз туфайли ўз ерларига эгалик ҳуқуқини қўлга киритган туман аҳли сўнгги икки йилдаги сув танқислигига қарамай мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлди. Деҳқонлар ўзларининг ғайрат-шижоати орқасидан етиштирилган мева-чева ва полиз маҳсулотлари билан Нукус ва республиканинг шимолий туманлари аҳолисини узлуксиз таъминлаб келмоқда. Албатта, мазкур туман ҳақида гап кетганда, унинг ютуқлари билан бирга муаммолар ҳам мавжудлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, Амударё туманида аҳолининг зич жойлашгани, бироқ иш ўрнининг камлиги азалдан муаммо саналиб келган. Аммо шўро замонида бундай "майда" масалалар билан шуғулланишга вақт йўқ эди. Мустақиллигимиз берган неъмат — кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва шунинг натижасида қулай иш ўринларининг яратилиши, айниқса, Амударё тумани аҳли учун жуда қўл келди. Зарифбой Мадаминов ҳам ана шундай яхши ниятлар билан Манғит шаҳрида кимошди савдосига қўйилган 144кв.м. ер майдонини 1998 йил 24 июлида сотиб олади ва "Сардорбек" номидаги хусусий фирма ташкил этади. Албатта, бугунги имкониятлар даврида яхши ният билан қандай ишга қўл урсангиз, у тезда амалга ошиши турган гап. Аммо негадир "Сардорбек" фирмаси орадан бир ярим йил ўтса ҳамки, кимошди савдосидан сотиб олган ер майдонига иморат тиклай олмайди. Охир-оқибат у туман бош меъмори билан оғзаки келишиб, ерини бошқа жойга кўчиртиради. Айни шу пайтда қизиқ воқеа рўй берди: у янги олган ер майдонига иморат пойдеворини тиклашга киришганда, эски ер майдонида ҳам пойдевор қад ростлай бошлайди. Бу ҳол табиийки унга ёқмайди ва у туман прокуратурасига мурожаат қилади. Кейинчалик у қонун ўзи тарафида эканлигини билгач, қўшнисининг пойдеворини кўчиртириб, ерга эгалик қила бошлади. Аслида ҳамма ғалва ана шундан сўнг бошланади. Энг ёмони, яхши ният билан фирма ташкил этган Зарифбой Мадаминов тадбиркорлик билан шуғулланишдан кўра ўзининг ҳақлигини исботлаш билан овора бўлади. "Сардорбек" кўп тармоқли хусусий корхонаси 1999 йил ташкил этилган бўлса, 2000 йилда унинг асосий фаолияти ўзи сотиб олган ерга ўзи эгалик қилиш ва туман ҳокимлигига боғдорчилик ва бошқа экинлар учун "Манғит" ширкат хўжалиги худудидан 17 гектар ер ажратишни сўраш билан ўтади.

Ниҳоят, "Манғит" ширкат хўжалиги вакиллар йиғилишининг 2001 йил 17 мартдаги 5-сонли қарори билан унга 17 гектар ер ажратилади.

Бироқ фермернинг қувончи узоққа чўзилмайди. Чунки бу қарорнинг ҳам умри қисқа бўлиб чиқади. Мазкур ширкат хўжалиги вакиллар йиғилишининг 22 майдаги 8-сонли қарори билан "Сардорбек" хусусий фирмасига берилган 76-контурдаги 17 гектар ер майдони келгусида шаҳар худудига ўтиши мумкинлиги инобатга олиниб, унга 743-контурдаги 4 гектар ер майдони боғ қилиш учун ажратиб берилади.

Албатта, қарорнинг пайдарпай ўзгариши ва ер берилишининг пайсалга солинишидан даъвогар З.Мадаминов норози бўлади ва у ҳақиқатни қарор топтириш мақсадида мутасадди идораларга мурожаат қила бошлайди. Бунинг устига 2001 йилнинг охирига келиб, туман давлат солиқ инспекцияси "Сардорбек" фирмаси фаолиятини текширишга тушади. Буни қарангки, улар фирма фаолиятидан камчилик ҳам топишади. Нима эмиш, фирма икки йил аввал транпорт солиғини тўламаган экан. Албатта, айб топишдан кўзланган мақсад жазога тортиш бўлади. З. Мадаминов ва бош ҳисобчиси Х. Юнусова ҳам маъмурий жазога тортилиб, жарима солинади.

Ниҳоят, даъвогар жабрланувчидан айбдорга айланиб қолгач, Қорақалпоғистон Адлия вазирлигига мурожаат этишга мажбур бўлди.

Қорақалпоғистон Адлия вазирлиги З. Мадаминов ва бош ҳисобчи Х. Юнусова ноқонуний равишда маъмурий жавобгарликка тортилгани исботлаб, Амударё тумани жиноят ишлари судига даъво аризаси киритади. Ўз навбатида туман суди ишни батафсил ўрганиб чиққач, давлат солиқ инспекциясининг маъмурий жазога тортиш ва жарима солиш тўғрисида қарорларини бекор қилади.

Бундан ташқари, вазирлик "Сардорбек" кўп тармоқли хусусий фирмасига 17 гектар ер майдонини ажратиб бериш тўғрисида Қорақалпоғистон республикаси хўжалик судига ҳам даъво аризаси киритилган.

2002 йил 8 январ куни А. Холжонова ҳакамлигида бўлиб ўтган суд қарори бўйича Қорақалпоғистон Адлия вазирлигининг даъво аризаси қаноатлантирилмайди.

Ҳа, шунақаси ҳам бўлар экан. Аммо вазирлик апелляция тартибида қайта ариза беради. Хўжалик суди эса 2002 йил 21 февралдаги апелляция аризасини кўриб чиқади ва аввалги суд қарорини ўз кучида қолдиради.

Ўз навбатида бу қарордан қониқмагандан кейин Олий Хўжалик судига кассация тартибида ариза беради. Олий Хўжалик судининг кассация судлов ҳайъати С. Таниқулов раҳбарлигида мазкур чигал масалани батафсил кўриб чиқади. Суд ҳайъати қарорига асосан, Қорақалпоғистон республикаси Адлия вазирлиги кассация ва даъво аризалари қисман қаноатлантирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг ҳал қилув қарори ва уни ўз кучида қолдирувчи иккинчи қарори бекор қилинади.

Шу билан бирга "Амударё" тумани ҳокимлиги зиммасига "Сардорбек" кўп тармоқли хусусий корхонасига 17 гектар ер майдони "Манғит" ширкат хўжалиги ҳудудидан ажратиб бериш юклатилади.

Бир сўз билан айтганда, ҳақиқат қарор топди, адолат юзага чиқди.

Азиз газетхон! Сизни зерикарли эртаксимон воқеа билан банд қилиб қўйганимизга узр сўраб, бу лоқайдликнинг илдизларига эътибор қаратайлик.

Агар ҳужжатларга назар ташласак, кимошди савдосида Манғит шаҳри худудида 144 кв. ер майдонини сотилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар ҳамда ер майдони ажратиш бўйича далолатномаларнинг барчасида туман бош меъмори Ш. Бекмуродов имзо чекканини кўрамиз. Аслида, бош меъмор режа бўйича туманнинг қайси жойида нима қурилиши-ю нима қурилмаслигини нафақат ўнгида, ҳатто тушида ҳам яхши билиши лозим эди. Энди шундай ҳақли савол туғилади: нега бош меъмор ҳаммасини билиб туриб, ер ажратилсин, деган ҳужжатларга имзо чекаверган?! Ахир, барча сарсон-саргардончилик ана шундан бошланган-ку!

Албатта, бош меъморга нисбатан ҳокимлик томонидан маъмурий чора қўлланилди ва дастлабки қурилган пойдеворларни кўчириш унинг зиммасига юклатилди. Лекин масаланинг бошқа бир томони борки, уни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ: қаерда лоқайдлик, қонунга хилоф иш тутилса, шу жойда сансоларлик, оворагарчилик авж олади. Айбсиз одамлар жабр чекади.

Ҳолбуки, бугунги тадбиркорнинг эркин меҳнати, озод ва обод ҳаёт тўғрисидаги орзулари, яратувчилик салоҳиятига путур етказишимизга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бугунги куннинг ҳақиқати шундан иборат.

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Dangal gap

ҒИРРОМЛИК

У ТАЙЁРЛОВЧИГА ҲАМ, ХЎЖАЛИККА ҲАМ, ДАВЛАТГА ҲАМ ЗИЁН КЕЛТИРАДИ

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси мутахассислари яқинда вилоятда фаолият кўрсатаётган қатор пахта тозалаш акциядорлик жамиятларида 2001 йил давлат эҳтиёжи учун сотиб олинадиган пахта хом ашёси ва уруғлик пахта учун контрактация шартномаларининг тузилиши ва бажарилишини ўрганиб чиқишди. Шуни айтиш жоизки, Сирдарё вилоятида "Сардоба" пахта тозалаш акциядорлик жамияти салмоқли ўрин тутади. Корхона "Оқ олтин" ва Меҳнатобод туманларидаги хўжаликлар билан 31290 тонна хомашёси етказиб бериш юзасидан 196 та контрактация шартномалари тузган. Маълумки, корхона тўла қувват билан ишлаган тақдирдагина кўзлаган манфаатдорликка эришиши мумкин. Аммо куз келиб ғалвир сувдан кўтарилганда, шартнома тузган хўжаликлардан 149 таси 16604 тонна хомашё етказиб бермаганлиги аён бўлди. Хўш, бунга ким айбдор, хўжаликми ёки тайёрловчими?

Агар эътибор берган бўлсангиз, тузилаётган контрактация шартномаларда ўз зиммасидаги мажбуриятни бажармаган томон айбдор бўлиши ва келтирилган зарарнинг муайян қисмини тўлаши қайд этиб ўтилган. Ўрганиш жараёнида аниқланган далиллар шундан далолат берадики, пахта тозаловчилар контрактация шартномалари тузиш ва ўз мажбуриятларини бажаришда амалдаги қонун талабларини писанд этмасликни одат қилиб олган. Чунончи, контрактация шартномасининг 1.1, 2.2, 2.3-бандларида хўжаликнинг навлар асосида етказиб берадиган хомашёсининг нархлари аниқланиб, шартноманинг умумий суммаси кўрсатилиши ва бу сумманинг 50 фоизини пахта йиғим-теримига қадар Адлия вазирлигидан 2002 йил 25 февралда 612-1-сон билан рўйхатдан ўтган "Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси тўғрисида"ги Тартибнинг 3-бандига асосан хўжаликка етказиб берилиши лозим. Лекин бу талаб ҳамиша ҳам тўла бажариляпти, деб айтолмаймиз.

Диққатингизни яна бир нарсага қаратмоқчимиз. Ўрганиб чиқилган контрактация шартномаларида хўжалик топширадиган пахта хомашёсининг ўрта навлари кўрсатилган бўлса-да, тайёрловчи 1 тонна пахта хомашёсини ўрта ҳисобда 80 минг сўмдан ҳисобланган ва шу нарх бўйича умумий нархни тасдиқлаган. Аслида эса ҳар бир навнинг харид нархи турлича. Фикримизнинг далили сифатида қуйидаги мисолни келтирмоқчимиз. "Тараққиёт" фермер хўжалиги 2001 йил 25 мартда тузилган 1-сонли контрактация шартномасига асосан 153 тонна пахта хомашёси етказиб бериши керак эди. "Сардоба" пахта тозалаш акциядорлик жамияти хўжалик билан тузилган контрактация шартномасида 1 тонна пахтанинг нархини 80 минг сўм, умумий нархини 12240 минг сўм қилиб белгиланган ва фермер хўжалиги 6120 минг сўм бўнак пули олиши керак деб кўрсатилган. Аслида эса фермер хўжалигининг етиштириб бераётган пахта навлари эътиборга олиниб ҳар тоннасига 74172 сўм, жами 11348,3 минг сўм, шу жумладан, 5674,1 минг сўм бўнак пули олиши лозим эди. Амалда тайёрловчи корхона томонидан хўжаликка бор-йўғи 4677,4 минг сўм бўнак пули берилган, холос. Натижада фермер хўжалигида маблағ танқислиги сезилиб, экин майдонларига етарли даражада ишлов ва ўғит беришнинг имкони бўлмаган.

Контрактация шартномасининг 2.2 "б"-бандида хўжалик маҳсулот етиштиришда тайёрловчидан умумий нархнинг 50 фоизи миқдоридаги бўнак пулини пахта йиғим-теримигача олиши кўрсатилган. Бироқ "Сардоба" пахта тозалаш акциядорлик жамияти хўжаликлар билан тузилган шартномаларга асосан бўнак пули беришни 90 фоиз бажарган, холос. Оқибатда 102 хўжалик бўнак пулларини тўлиқ ололмаган. Натижада улар сунъий равишда иқтисодий ночор ҳолга тушиб қолган ва пировардида режаларини бажара олмай кутилаётган даромаддан маҳрум бўлишган. 16604 тонна пахта етиштирилмай қолганлигининг сабабларини худди шу ердан излаш керакка ўхшайди.

Шу ўринда эътиборингизни яна бир нозик масалага қаратмоқчимиз. Халқимизда бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирайди, деган ибора бор. Агар "Сардоба" пахта тозалаш акциядорлик жамияти хўжаликларга бўнак пулларини ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берганда, контрактация шартномасининг 4.1- бандига асосан етказиб берилмаган 16604 тонна пахта хом ашёси учун 25 фоизли жарима қўллаган ва 97066 минг сўмни ундириб олган бўларди.

Шартноманинг 2.2 "г"-бандида хўжалик давлат буюртмасини бажарса, унинг ихтиёрида қолдириладиган тола ва бошқа қўшимча маҳсулотларни бериш Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 7 октябридаги қарори ва амалдаги кўрсатмаларга асосан белгиланган тартибда амалга ошириши кўрсатилган. Хўжаликлар ва тайёрловчилар ўртасида тузилган контрактация шартномаларига асосан шартнома шартларини бажарган хўжалик етиштирилган маҳсулотнинг 70 фоизини ўз ихтиёрида қолдирилиши кўрсатилган. "Сардоба" пахта тозалаш акциядорлик жамияти билан шартнома тузган 196 та хўжаликдан 47 таси давлат буюртмасини бажарган. Бироқ бу хўжаликлар билан уларнинг ихтиёрида бўлган маҳсулотни харид қилиш юзасидан ҳеч қандай шартнома тузилмаган ва бу борада ҳеч қандай чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмаган.

Шартноманинг 2.3-банди ҳам қўпол равишда бузилган. Маблағларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг махсус ҳисоб рақамларига ўтказиш улар томонидан ижро этувчи банкка акредитив шартларининг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар жамият томонидан тақдим этилиши шарт бўлса-да бу ҳужжатлар тақдим этилмаган ва белгиланган тартибда акредитив очилмаган.

Ижро этувчи банк тўлаш учун тақдим этилган ҳужжатларни текшириш варақаси бўйича акредитив шартларига мувофиқлигини пухта текширади ва маҳсулотлар белгиланган тартибда етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг 7 банк куни мобайнида ушбу ҳужжатларда кўрсатилган суммани амалдаги акредитивнинг депозит ҳисоб рақамидан ҳисобдан чиқаради. Сўнгра маблағларни пахта хомашёси учун илгари олинган, шу жумладан, уруғлик чигит ва материаллар тарзида олинган авансни ушлаб қолган ҳолда амалда етказиб берилган пахта хом ашёси қийматининг 80 фоиз миқдорини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчисининг ҳисоб рақамига ўтказиши лозим. Аммо бирорта ҳам хўжаликка белгиланган муддатда ўзига тегишли 80 фоиз маблағни ўз вақтида ўтказиб бермаган. Якуний таққослаш далолатномалари 2001 йилнинг октябрь, ноябрь ойларида расмийлаштирилган бўлса-да, 80 фоиз ҳисобидан олинадиган маблағлар фақат 2001 йилнинг декабр ва 2002 йилнинг январь ойида тайёрловчи томонидан хўжаликка ўтказиб берилган. Бу билан хўжаликларга катта миқдорда моддий зарар етказилгани ҳеч кимга сир эмас.

"Ўзпахтасаноатсотиш" акциядорлик уюшмаси томонидан 1997 йил 24 сентябрда тасдиқланган тартибга асосан ишлаб чиқаришдан 48 соат олдин ижро учун хомашё ва тайёр маҳсулот бўлими, режа бўлими, техник назорат бўлими бошлиқлари, бош муҳандис, бош ҳисобчи ва хўжаликнинг вакили топшириқни тайёрлайди, раис томонидан тасдиқланган ҳолда ишлаб чиқаришга рухсат берилади, деб кўрсатилган. Ваҳоланки, ўрганиш жараёнида бу талаб ҳам бузилганлиги маълум бўлди, хўжаликнинг вакили ишлаб чиқаришдан хабардор бўлмаганлиги учун қатнашмаган ва у ўз хулосасини бермаган. Бу борадаги ҳужжатлар кейин расмийлаштирилган. Бундай ҳолатда ишлаб чиқаришдан сўнг олинган маҳсулотнинг тўғрилигига шубҳа туғилиши табиийдир.

Афсуски, бундай камчилик ва нуқсонлар тасодифий эмас. Адлия бошқармаси мутахассислари вилоятда "Бахт", "Сайхунобод" ва "Гулистон" пахта тозалаш акциядорлик жамиятларида бўлганларида ҳам юқоридаги каби нуқсонларни гувоҳи бўлишди.

Бозор иқтисодий шароитида асосий талаблардан бири ҳамкорлик билан тузиладиган шартномаларга ҳалол ва виждонан ёндашишдир. Бу ишда оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юриш, жайдари тилда айтганда, ғирромлик қилиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслиги икки карра икки тўрт каби аён ҳақиқатдир. Акс ҳолда бу содда ҳақиқатни англаб етмаганлар ўзига ҳам, хўжаликка ҳам, давлатга ҳам зиён етказади. Ўйлаймизки, Сирдарё вилояти "Пахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси раҳбарлари бунга ўз муносабатларини билдирадилар.

Мардали МАҲМУДОВ,
ҳуқуқшунос,
Тоғаймурод ОРТИҚОВ,
журналист

Lafzsizlik

ШАРТНИ БАЖАРМАГАННИНГ ҚОЧГАНИ... СУДГАЧА!

Мавлон Алиқулов Учқўрғон туманининг Қўғай қишлоғида яшайди. Ҳамқишлоқлари қатори у ҳам далада деҳқончилик қилиш эвазига рўзғор тебратади. Шу боис бор кучи ва пешона терини далада етиштирилаётган экин парваришига сарфлайди.

Ўтган йили М. Алиқулов "Қўғай" ширкат хўжалиги билан ички шартномага имзо чекди. Шартномага кўра 5,5 гектар майдонда буғдой етиштириш режалаштирилган эди. Ҳосилдорлик ҳам чакки эмас, ҳар бир гектар ер ҳисобига 52,6 центнердан хирмон кўтариш керак.

Мавлон Алиқулов мавжуд экин майдонидаги буғдой парваришига астойдил киришди. Бир текис униб чиққан майсаларни ўз вақтида ўғитлади, суғорди. Эрта баҳордан буғдойзорни бегона ўтлардан тозалади.

Қилинган меҳнат ўз натижасини берди. Мавлон Алиқулов хўжалик омборига жами 28,9 тонна дон топширди. Бу билан режадан роппа-роса 5893 килограмм ортиқча буғдой етиштиришга эришди.

Аммо пудратчи режадан ортиқча етиштирилган ҳосилнинг 100 фоизини олиб, омбори донга тўлгандир, деб ўйласангиз, хато қиласиз. "Қўғай" ширкат хўжалиги раҳбар-мутахассислари Мавлон Алиқуловга 4368 килограмм буғдой бериб, 1475 килограмм буғдойни хўжалик ҳисобида қолдиришни лозим кўришди.

— Хафа бўлмайсиз-да, — дейишди хўжаликнинг ҳисоб-китобчилари,— 1475 килограмм буғдойнинг ҳар бир килограммига 33 сўмдан ҳақ оласиз.

— Майли-да, — деди содда деҳқон. — Бири кўз, бири қош. Бир жойнинг одамларимиз. 48675 сўм ҳам оз пул эмас. Ўзларига инсоф берсин.

Бироқ ҳақдор қилинган қарз пудратчига жорий йилнинг 20 майига қадар узилмади. Яқинда вилоят Адлия бошқармасининг бир гуруҳ ходимлари "Қўғай" ширкат хўжалигида шартнома мажбуриятлари қай даражада бажарилаётганини кўздан кечирдилар.

— "Қўғай" ширкат хўжалигида тузилган ички хўжалик шартномалари ижроси ўрганилганда, — дейди вилоят Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Жамолиддин Эргашев, — мазкур хўжаликнинг ўзида 21 оила пудратчи билан тузилган ички шартнома шартлари қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Масалан, оилавий пудрат бошлиғи Сотиволди Аҳмедов 2000 йилнинг 17 сентябр куни 48-сонли ички шартномага имзо чекади. Пудратчи 5,6 гектар ерда буғдой етиштириш мажбуриятини олган. Ҳосилдорлик ҳар гектар ер ҳисобига 52,6 центнердан белгиланган. Пудратчи хўжалик омборига жами 29,4 тонна маҳсулот етказиб берган. Режадан ортиқча 3716 килограмм буғдой етиштирилган. Бироқ хўжалик пудратчига 2322 килограмм буғдой бериш билан чекланган ва 1394 килограмм буғдой хўжалик ҳисобида қолдирилган.

Шунингдек, пудратчи Икромжон Обилов ҳам режадан ортиқча етиштирилган 5000 килограмм буғдойнинг 3546 килограммига эга бўлган, холос. Пудратчи натура ҳолида олиш керак бўлган 1454 килограмм буғдойнинг ҳар бир килограммига хўжаликнинг мутасадди шахслари томонидан 33 сўмдан нарх белгиланади. Афсуски, ўша арзимаган қарз барча пудратчиларга жорий йилнинг 20-майига қадар тўланмай келинган. Ваҳоланки, айни кунларда 1 килограмм буғдойнинг ўртача бозор баҳоси 160 сўмни ташкил этади. Ички шартноманинг 3-бандида "Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ етиштирилган маҳсулотнинг 100 фоизини натура ҳолида пудратчи олади ёки келишилган нархда хўжаликка топширади", деб кўрсатиб қўйилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Фуқаролик Кодексининг 324,985-моддалари, Фуқаролик процессуал Кодексининг 48-моддаси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 24,35-моддалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сонли қарори 7-қисми, 5-бандига асосан судга Учқўрғон туманидаги "Қўғай" ширкат хўжалигидан 21 нафар оилавий пудратчилар фойдасига режадан ортиқча топширилган буғдой қиймати 4.313.280 сўмни ундириш ҳақида даъво аризаси киритилди.

Маъмур МУСУРМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

Egilmagan haqiqat

РАИС ҚОНУНДАН ЗЎР ЭДИМИ?

Агар Риштон туманига йўлингиз тушиб, тадбиркор Содиржон Давронов ва Тўлқин Халиловларга айнан юқоридаги савол билан мурожаат қилинса, улар "ҳа, энди, шундай бўлганди-да", дея кулимсираб қўйишади. Бироқ неча ойдирки, "Ўзбекистон 5 йиллиги" ширкат хўжалиги раиси Толибжон Маҳмудовнинг тепса тебранмаслиги, амалдаги қонунларни писанд этмагани боис ўзларига етказилган моддий ва маънавий зарарларни эслашиб, хомуш бўлишади. Тўғри-да, тадбиркор яхши ниятда эл-юрт маъмурлиги учун фермер хўжалиги тузса-ю, ер ололмай ёхуд экин-текинни тўлиқ эколмай ойлаб саргардон бўлса, раис била-кўра туриб, овора қилса, фермерлар хурсанд бўлишармиди?

Содиржон Давронов 1995 йили "Мевазор" фермер хўжалигини ташкил этиш юзасидан Риштон туман ҳокимлигига мурожаат этган эди. Ҳокимлик қарори билан мазкур фермер хўжалиги "Ўриксор" жамоа хўжалигидан 9 гектар ерни шартнома асосида узоқ муддатга оладиган бўлди. Ҳатто икки ўртада узоқ муддатли ер ижара шартномаси ҳам тузилди. Ер олаётганидан боши осмонга етган фермер қорамоллар ҳам сотиб олди.

Бироқ... ердан дарак йўқ эди. Кейинчалик "Ўриксор" жамоа хўжалиги тугатилиб, ер майдонлари "Ўзбекистон 5 йиллиги" ширкат хўжалиги тасарруфига ўтиб кетди ҳамки, хўжалик бошқаруви раиси Т. Маҳмудов фермернинг ер олиш ҳақидаги талабларига пинак бузмади. Эмишки, тугатилган хўжалик билан тузилган шартноманинг "Ўзбекистон 5 йиллиги" ширкат хўжалигига дахли йўқ. Тадбиркор С. Давроновнинг эса раис ҳузурига қатнайвериб, оёғи қаварди. Аммо ҳужжатларда кўрсатилган 9 гектар ер майдонини ололмади. Раис биргина С. Давроновга эмас, яна бир фермер Турғунбой Халиловга ҳам чап кўз билан қарай бошлади."ГЭС" фермер хўжалиги раҳбари Т. Халиловнинг "ахир, ширкат хўжалиги билан фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш юзасидан шартнома тузилган. Мен даштнинг жарлик, тош-шағал ерларидан 9 гектар ер олишим керак эди. Ҳозиргача 1,7 гектар олдим, холос. Ўша ерни ўз кучим билан текислаб, ўзлаштирдим. Қолганини қачон оламан?" — деган оғзаки ва ёзма сўровларига раис "олган ерингни ҳам қайтарасан"деб пўписа қилар, ҳатто талабномалар ҳам жўнаттирарди. Ваҳоланки, аллақачон 9 гектар ерни 10 йил муддатга ижара берилгани ҳақида шартнома имзоланган, қолаверса, "Ўзбекистон 5 йиллиги" ширкат хўжалиги бошқарувининг ёзма сўрови билан "ГЭС" фермер хўжалиги 64476 сўмлик транспорт хизмати ҳам кўрсатиб қўйган эди. Лекин ширкат хўжалиги кўрсатилган транспорт хизмати учун ҳам хизмат ҳақини тўламади. Албатта, раиснинг гапи билан.

Савлатидан от ҳуркадиган раиснинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига фақат суд орқали чек қўйилиши мумкинлигини тушуниб етган фермерлар ниҳоят, вилоят адлия бошқармаси орқали даъво ариза билан судга мурожаат этадиган бўлишди.

Биргина "Мевазор" фермер хўжалиги ўзи учун қонуний йўл билан ажратилган ер майдонини ўз вақтида ололмаганлиги боис ҳисоб-китобларга кўра 853500 сўм даромаддан қуруқ қолган. Бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб турли давлат органларига мурожаат қилиб, қимматли вақтини йўқотиб бир миллион сўм маънавий зарар ҳам кўрган. Бундай бўлмаганда эди, фермер С. Давронов шу вақт оралиғида 30 бош қорамол сотиб олган ва етарлича ем-хашак етиштирган, аҳолини гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлаган бўларди.

"ГЭС" фермер хўжалиги учун эса хўжалик бошқаруви раиси атайин тош, шағал, жарлик ерлардан экин майдони учун ер ажратган. Аммо фермер Т. Халилов 1,7 гектар ерни ўзлаштирган. Раис эса қолган ерни бермай юраверган. Иш шунчаликка етиб борганки, фермер раисдан чўчиб тегишли идораларга мурожаат этишга журъат этолмаган. Натижада у 1998-2001 йиллар давомида 940 минг сўм даромад ололмади, 60 минг сўм маънавий зарар кўрди. Албатта, Риштон туманлараро фуқаролик суди фермерларнинг даъво аризаларини қаноатлантирди. Шу тариқа фермерларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини паймол этиб келган раиснинг қонундан зўр эмаслиги аён бўлди. Кеч бўлса-да, суд жараёнида собиқ раис Т. Маҳмудов ва хўжалик мутахассислари йўл қўйган хатоларини англаб етди. Риштонлик фермер ва тадбиркорлар учун бўлиб ўтган мазкур суд мажлиси ўзига яраша намуна, бошқа баъзи бир «қонундан зўрман», деб юрган раислар учун эса катта сабоқ бўлди.

Қодирали АҲМАДАЛИЕВ,
журналист

Islohot dovonlari

ЎЗИНИ ОҚЛАМАГАН НАЙРАНГ

Бугунги кунда мамлакатимизда айтишга арзигулик жуда кўплаб ўзгаришлар юз бераяпти. Жумладан, жамоа мулки тугатилиб, ўрнини хусусий мулк эгаллаётганини тараққиётга элтувчи йўл, десак хато қилмаган бўламиз. Бироқ бундай ўзгаришлар айрим тўсиқларсиз бўлмаётганини ҳам айтиш жоиз. Бунга фермер хўжаликлари ривожи йўлидаги ғовлар мисол бўла олади. Агар шундай тўсиқлар бўлмаганда "Нўъмонжон", "Хазина", "Сухроб" деҳқон фермер хўжаликлари аллақачон бошқа хўжаликлар каби ривож топиб, мамлакат иқтисодиётининг юксалиши, халқ турмуш фаровонлигининг ўсишига ҳисса қўшаётган бўлар эди.

Гап шундаки, ҳар уччала фермер хўжаликлари 1994 йилда ўз фаолиятларини қонуний асосда бошлашган. Аммо туман ҳокимлигининг 1999 йил май ойидаги қарорлари билан мазкур фермер хўжаликлари фаолияти тўхтатилган. Узоқ давом этган сарсон-саргардонликдан сўнг Андижон вилоят хўжалик суди вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармасининг фермерлар манфаатларини ҳимоя қилган даъво аризалари асосида ишни кўриб чиқиб, Жалолқудуқ туман ҳокимининг ноқонуний равишда чиқарган қарорларини бекор қилди. Шу билан фермерларнинг иши битган деб ўйлаган бўлсангиз, хато қиласиз. Туман ҳокимлиги томонидан вилоят хўжалик судининг қарорлари нафақат бир, балки икки йил давомида бажарилмай келинди, яъни фермерларнинг ҳоким қарори билан ноқонуний равишда олиб қўйилган ерлари қайтариб берилмади. Туман ҳокимлигидаги баъзи амалдорлар ва улар атрофига уюшган ширкат хўжаликлари раҳбарлари турли баҳонаю важ-карсонлар билан фермерларни сарсон-саргардон қилишдан "чарчашмади". Бу билан уларга катта миқдорда моддий ва маънавий зарар етказдилар. Бу орада улар орасида қизиқ "ўйинлар" бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги ер бериш масаласини ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишига ҳавола этса, ширкат хўжалиги раҳбарлари "фермерларга ер беришни хўжалик аъзолари хоҳлашмаяпти", деб баҳона қилар эдилар.

Ўйланиб қоласан киши. Наҳотки айрим раҳбарлар давлатимизнинг асосий Қонуни, бош Қомусимиз конституциянинг 114-моддасидаги "Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир" деган ёзувни ўқишмаган бўлса? Конституцияга бўлган бундай ҳурматсизликни қандай баҳолаш мумкин? Ахир қонун талаби барчага баробар эмасми? Айниқса, раҳбарлар қонун талабларини бажаришда бошқаларга ўрнак бўлишлари лозим-ку!

Йўқ, Жалолқудуқ туманида ундай бўлмади. Яъни вилоят хўжалик судининг қарори бажарилмай қолди... Лекин деҳқон-фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилишга астойдил киришган вилоят адлия бошқармаси энди фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судига даъво аризаси киритди. Суд масалани чуқур ўрганиб чиққач, мавжуд қонунларимиз асосида адолатли қарор қабул қилди. Унга кўра, Жалолқудуқ туман ҳокими қарори билан "Нўъмонжон" ва "Хазина" деҳқон-фермер хўжаликларининг бузилган ҳуқуқлари ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатига тикланиб, уларга тегишли миқдордаги ер олиб бериладиган бўлди. Қарор ижросини таъминлаш туман ҳокимлиги ва Амир Темур номидаги ширкат хўжалиги раиси зиммасига юклатилди.

"Сухроб" фермер хўжалигига ҳам ўн гектар ер қайтариладиган ва етказилган зарар жавобгар — туман ҳокимлиги ҳисобидан ундириб бериладиган бўлди.

Энди ҳамма гап суд қарори қай тарзда ижро этилишида қолди.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Buguning gapi

САБОҚ

I. СУКУТ РОЗИЛИК АЛОМАТИМИ?

Мурод Жўраев номидаги ширкат хўжалигига Умирқул Эргашев бошқарув раиси этиб сайланди. Агар кунма-кун санасангиз, У. Эргашев атиги бир йил ҳам раислик курсисида ўтирмади. Албатта, бунинг ўзига хос бир қатор сабаблари бор. Энг ёмони, у мансабни ўзига берилган имтиёз деб тушунди. Қонун дегани қоғозда бўлади, хўжаликда нимага қўл урсам, шу тўғри, деб ўйлади. Устига-устак унинг атрофидагилар «раис бува, сиз нима десангиз, шу гап биз учун қонун», деб қуллуқ қилиб туриши унинг димоғини баттар кўтарди.

Ўтган йил кўкламда ширкат хўжалигида 1255 гектар майдонга пахта экилиши керак эди. 6-бригада ҳудудида ҳосилдор 4,9 гектар чигит қадаладиган майдон фуқаро Ширин Сирожевага раис томонидан «инъом» этилди. Пудратчи Ш. Сирожева майдоннинг 1,5 гектарига пахта, 1,15 гектарига кунжут, 0,24 гектарига помидор, 0,46 гектарига маккажўхори экди. 1,15 гектар ер эса умуман экилмасдан қолди. Чигит экиш мавсуми тугагач, ширкат хўжалиги бош ҳосилоти Абдулла Омонов ер тузувчи Мирза Синдоров билан Ш. Сирожеванинг даласига боришади. Чигит тўлиқ қадалиш лозим бўлган майдонда бошқа экинларни кўриб, далолатнома тузадилар. Далолатномани бошқарув раиси У. Эргашевга топширади. Раис далолатномага кўз югуртириб чиқади-да, кутилмаганда уни ғаладонига ташлайди ва сукут сақлайди.

— Хўжалик бошқаруви билан пудратчи Ш. Сирожева ўртасида бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва топшириш юзасидан ҳеч қандай шартнома тузилмаган,— дейди жиноий ишлар бўйича туман суди раиси М. Шерйигитов. — Ўғирлаб қолинган майдонга тўлиқ пахта экилганлиги тўғрисида туман статистика бўлимига сохта маълумотнома берилган. Оқибатда тайёрлаш контрактация шартномаси бажарилмаган. Мансаб ваколатидан қасддан фойдаланган ўзбошимча раис режалаштирилмаган экинларни экишга рухсат бергани, ерни талон-тарож бўлишига йўл қўйгани учун Жиноят Кодексининг бир қатор моддалари билан айбли деб топилди. Суд ҳукми билан У. Эргашев бир миллион икки юз минг беш юз сўм миқдорида жаримага тортилибгина қолмай, уч йил муддатга бошлиқ ва моддий жавобгар шахс бўлиб ишлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилди.

II. ҚОНУНСИЗ ИШ — ТУРГАН-БИТГАНИ ТАШВИШ

— Ер қонунчилигига риоя қилиниши жумладан, пахта экилиши режалаштирилган майдонларга чигит қадалгани юзасидан бу йил мунтазам текшириш ўтказдик, — дейди туман прокурори А. Имомов. — Прокуратура томонидан чигит экиладиган майдонларда ўлчов ўтказилганда, пахта экилиши лозим бўлган майдонларда турли хил қишлоқ хўжалик экинлари экилганлиги аниқланди. Пахта ўрнига экилган 5,6 гектар пиёз, 11 гектар помидор, 0,7 гектар сабзи, 2,8 гектар картошка, 6, 18 гектар лавлаги, 5 гектар маккажўхори, 3,2 гектар кунгабоқар, 1,5 гектар полиз экинлари бузилиб, чигит экилиши таъминланди.

Туман прокуратураси ходимлари ўтган йил кузда режадан ташқари 180 гектар майдонга ғалла экилиб, парвариш қилинаётганлигини аниқлашган. Ошиқча экилган ана шу ғаллага уларнинг аралашуви билан деҳқон ва тайёрлов корхонаси ўртасида қўшимча шартномалар туздирилган. Бундан ташқари ноқонуний равишда ўзбошимчалик билан томорқа участкасини эгаллаб олган беш нафар фуқаро устидан Маъмурий ҳуқуқбузарлик Кодексининг 60-моддасига кўра, иш қўзғатилган.

Хуллас, қонунсиз иш — турган-битгани ташвиш.

III. ҚЎПОЛ ЎХШАТИШДАН ҚОЙИНМАНГ!

Юқоридагилардан воқиф бўлиб, Иштихонда ерни талон-тарож қиладиганлар, қонунни бузадиганлар кўп экан, деб ўйламанг. Қўпол ўхшатиш: битта ёмоннинг касри мингга уради. Сиз бунга қойинманг, бор гап шу.

Туманда замон билан ҳамкор, ҳамнафас бўлишга интилаётган тадбиркорлар ҳам талайгина. Улардан бири "Умурзоқов Алишер" деҳқон хўжалигидир.

Ота-бола Исоқул ҳожи ва Алишер Умурзоқовлар деҳқон хўжалигининг ёрдамчи тармоғи сифатида Германия технологияси асосида бетон маҳсулотларидан черепица, яъни том устини ёпиш жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Ҳовлиларининг шундоққина ёнида жойлашган "Тошкент—Зарафшон" катта тракти ёқасидаги вилоят ширкат қурилиш трестининг ташландиқ ҳолдаги 37,5 сотих майдони деҳқон хўжалигига туман ҳокимлиги қарори билан олиб берилди.

Деҳқон хўжалиги "Алоқа банк"нинг Самарқанд бўлимидан уч йил муддатга олти миллион сўм кредит олган. Шунинг ҳисобига Германиядан черепица ишлаб чиқариш воситалари сотиб олинган. Черепица тайёрлаш учун хомашё Қорадарёдан чиқади. Цемент эса тузилган шартномага асосан Навоий шаҳар цемент заводидан олинади. Корхонада оддий ва рангли черепица тайёрлаш имконияти мавжуд. Улар буюртмачи хоҳишига, талабига боғлиқ, холос. Маҳсулот эса мустаҳкам, сифатли, экологик тоза. Қолипда 24 соат турган маҳсулот сув солинган ҳовузда бир ҳафта сақланади. Бу билан маҳсулот сифати ортади.

— Миннат эмас, — дейди Исоқул ҳожи Умурзоқов, — 1 июн — халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати деҳқон хўжалиги ҳисобидан 120 минг сўм ёрдам кўрсатдик.

IV. УМИД УЧҚУНЛАРИ

Иштихон фермер хўжаликлари сони кўплиги жиҳатидан вилоятда биринчи ўринда туради. Шу йилнинг биринчи майига қадар туманда фермер хўжаликлари сони мингдан ошди. Бу ерда Исоқул ҳожи Умурзоқовдек ташаббускор тадбиркорлар кўп. "ЖАФ" фермер хўжалиги майизни қайта ишлаш ва қадоқлашга мўлжалланган. Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаяпти. Энди гап уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда.

Баҳорнинг серёғин келгани бошқа жойлардагидек иштихонлик деҳқонларга ҳам қийинчилик туғдиряпти. Бироқ улар табиат қийинчиликларига матонатни қарши қўйиб, ялпи сафарбарлик эълон қилишган. Бу шубҳасиз кўнгилларда умид учқунларини уйғотади.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Davlat, jamiyat, inson

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш жараёни бошланди. Бу борада Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва миллий дастури қабул қилиниб, амалга ошириладиган ишларнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва саводхонлик жамият тараққиётининг муҳим шарти сифатида эътироф этилди ва устувор вазифалар белгилаб олинди. Ўтган давр мобайнида бу соҳада кенг қамровли ишлар бажарилиб, муайян ютуқ ва тажрибалар қўлга киритилди. Шу билан бирга ҳали муаммо ва камчиликлар бир талай экани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бу эса ҳар бир фуқаро зиммасида нечоғлик масъулиятли вазифалар турганидан далолатдир. Шундан келиб чиқиб, таҳририят ташаббуси билан яқинда махсус мухбиримиз Сурхондарё вилоятида ҳуқуқий маданият ва саводхонликни ошириш жараёни қандай кечаётгани ҳақида давра суҳбати уюштирди. Қуйида ана шу суҳбатда билдирилган айрим фикр ва мулоҳазалар билан таништирамиз.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

ДАВРА СУҲБАТИ

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД, "Инсон ва қонун" газетаси мухбири:

— Фуқаролар ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш вазифаси кеча ё бугун пайдо бўлгани йўқ. Балки истиқлол, мустақиллик деган улуғ атамалар луғатимизда пайдо бўла бошлаган пайтларданоқ улар билан бақамти "ҳуқуқий онг", "ҳуқуқий маданият", "ҳуқуқий тафаккур", "ҳуқуқий саводхонлик" каби сўз ва иборалар ҳам тилимизда жаранглай бошлади. Ўтган давр мобайнида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилганига ҳар биримиз гувоҳмиз.

Бу, албатта, яхши. Шу билан бирга ҳали бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳам кўп.

Хўш, ҳуқуқий маданият ва саводхонликни ошириш жараёни Сурхондарё вилоятида қандай кечаётир? Бу борада қандай ютуқларга эришдик, қандай муаммолар мавжуд? Бугун ана шу хусусида фикр-мулоҳаза юритсак.

Чориёр АЛЛАЁРОВ, Вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи:

— Бу мавзунинг қамрови кенглиги боис мен фақат ўрта ва кичик тадбиркорлик тизимида учраётган ҳуқуқий муаммолар ҳақида гапирмоқчиман,холос. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда томонлар ўртасида энг чигал муаммо-бу шартномавийликнинг номукаммаллигидир. Бошқача айтганда, шартномаларни юзаки тузишдек салбий ҳолатга афсуски, ҳали ҳам барҳам берилгани йўқ. Баъзи бир маҳаллий раҳбарлар онгида шўро замонидан шундай бир иллат сақланиб қолган. Яъни улар шартнома тузишаётганда кўпроқ ўз манфаатларини устун қўйишади. Улар тадбиркорлик соҳасига эндигина қадам қўяётган якка тадбиркор ёки юридик шахс билан шартнома тузаётиб, киши билмас анча-мунча ғирромлик қилади. Яъни шартномада атайлаб ўз манфаатдорлигини юқорироқ акс эттиради. Афсуски, тажрибасиз, янаям жайдари қилиб айтганда, соддароқ томон ушбу ғирромликни кечроқ пайқайди. Ҳамма зиддият ана шундан сўнг бошланади. Иш шу даражага етадики, алданган томонга кўмак беришда ҳатто биз ҳам қийналиб қоламиз. Нега деганда, иш хўжалик ёки фуқаролик судида кўрилаётганда, бундай ҳужжат икки томонлама имзоланган ҳуқуқий ҳужжат деб тан олинади. Қонунни яхши билмаган фуқаро ёки юридик шахс эътиборсиз имзо чекаётиб, беихтиёр ўз қўлини ўзи боғлаб беради. Шунинг учун ҳам учрашувларда, мақолаларимизда, кўрсатувларда — умуман қаерда бўлмасин "шартнома тузишга юзаки қараманг", дея бонг урамиз. Чунки бугун ҳаётнинг ўзи ҳар биримиздан ана шундай саводхонликни талаб қиляпти.

Робия КАТТАЕВА, Олий Мажлис депутати:

— Парламентнинг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси прокуратура органлари ҳамкорлигида 2000-2001 йиллар мобайнида тадбиркорликка оид ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни таъминлашга қаратилган қонунлар ижросининг аҳволини ўрганиб чиқди. Натижа шуни кўрсатдики, бу борада кўплаб қонунбузарлик ҳолатлар мавжуд экан. Буни шу давр мобайнида прокуратура органлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқий манфаатларига дахл қилган мансабдор шахсларга нисбатан 278 та жиноят иши қўзғатилганидан ҳам билиш мумкин. Шунингдек, ҳокимликларнинг ғайриқонуний қарорлари ва бошқа ҳужжатлар юзасидан 586 та протест келтирилган. Қонунбузилишларни бартараф этиш ваколатига эга бўлган идораларга 1641 та тақдимномалар киритилган. Қўмитамиз йиғилишида тадбиркорларнинг маблағларидан "илтимос" ниқоби остида зўравонлик билан фойдаланиш ҳоллари кўплаб содир этилганлиги аниқланди. Ёки бошқа бир мисол. Ўтган йили мамлакатимизда кўплаб ҳолатда тадбиркорларни рўйхатга олиш тартиби бузилиб, муддатлари ўтказиб юборилган. Вилоятимизда ҳам бундай салбий ҳолатлар тез-тез учраб турибди. Ўрта ва кичик тадбиркорлик тизими ривожига сунъий тўсиқлар қўйиш, айниқса, банк соҳасида яққол кўзга ташланмоқда. Барчага маълумки, таъмагирлиги, мижозлардан жуда катта миқдорда пора олганлиги учун айрим туманларда банк бошқарувчилари жиноят устида қўлга тушишди. Афсуски, бундан тегишли хулоса чиқариб олмаётганлар ҳали ҳам бор. Термиз шаҳридаги "Кўҳитанг" масъулияти чекланган жамияти раҳбари М. Ашуров "Асакабанк"нинг Ангор туманидаги филиалига ариза билан мурожаат қилиб, 10 миллион сўм кредит ажратишларини сўраган. Иш битай деганда, нима учундир банк раҳбари Н. Қаландаров ҳамда кредит бўлими бошлиғи Э. Нормўминовлар мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда "Кўҳитанг" га берилиши керак бўлган 10 миллион сўмлик кредитни сохта ҳужжатлар орқали бошқа фирмаларга ўтказиб юборадилар. Натижада кўзбўямачиликка одатланган ҳамтовоқлар ўртасида талон-тарож бўлган катта миқдордаги кредит пули банкка қайтиб кирим бўлмайди. Албатта, баднафс банк мутасаддилари жиноий жавобгарликка тортилди. Аммо иши битмаган тадбиркорнинг қанчадан-қанча орзу-умидлари ўз вақтида рўёбга чиқмади.

Акрам ЖАЛОЛОВ, Жарқўрғон тумани ҳуқуқий маслаҳат уйи мудири:

— Бугун халқимиз эркин фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, бу ҳар биримиздан ҳуқуқий жиҳатдан саводхон бўлишни тақозо этади. Агар киши ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билмаса, ҳаётда жуда осон қоқилиши мумкин. Амалиётда учраган битта воқеани айтиб бераман. Жарқўрғон туманининг "Халқобод" ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро "Жумабозор" деб аталмиш мол бозоридан бир бош сигир сотиб олади. Мол эгаси "Бузоғини ҳозиргина бошқа бировга сотдим", дея соғин сигирни ёлғиз етаклатиб юборади. Говмишни олган одам бир соатлар ўтиб қарасаки, олган молининг кечириб бўлмас ғалати бир "феъли" бор экан, яъни сигир ўз-ўзини эмар экан. Сигирнинг "янги" эгаси уни аввалги эгасига қайтариш ёки кимга бўлса ҳам сотиб қутулиш учун яна "Жумабозор"га боради. Бу орада унинг сигир ўғирланганлигидан, ўғрини изқуварлар излашаётганидан хабари бўлмайди. Иш шу даражага етадики, изқувар сигирнинг "янги" эгасини ушлаб, маҳкамага олиб кетишади. Терговчи ҳам ишга енг шимариб киришади. Тезда сунъий иқрорлик ва "зўрлаб семиртирилган" жиноий иш папкаси тайёр бўлади. Фуқарони суднинг қора курсисига ўтиришига бир баҳя қолганда, ҳимоячи сифатида унинг жиноят иши билан танишиб чиқдим. Кўп йиллик терговчилик тажрибамдан шуни сездимки, терговчи жиноятни тезроқ очиш учун шошма-шошарлика йўл қўйган. Ўша пайтдаги милиция бошлиғига фикримни очиқ айтдим. Милиция бошлиғи "Бизни чалғитманг. Айбланувчи тўла иқрор бўлган. Бошқа ўғрини қаердан топамиз?"-дея мени шаштимни қайтармоқчи бўлди. Мен барибир унинг айбсизлигини туман ИИБ бошлиғига тушунтирдим. Эртага фуқаро оқланиб кетса, хижолатдан юзимиз қизариб қолишини англатдим. Ниҳоят, бошлиқ мени тушунди. Жиноят иши қайтадан бошланди. Суриштириб, бир ҳафта деганда, даллол орқали молнинг аввалги эгасини топдик. Ҳимоясиз фуқаронинг бахтига ҳақиқий ўғри ҳам ўша бўлиб чиқди. Изқуварлар ва терговчи ишни обдон ўрганиш ўрнига машаққатдан қочиб, бир бечора кишини жиноятчига чиқаришга озгина қолган экан.

Шу ўринда шундай табиий савол туғилади: хўш, нега энди ўша фуқаро малакали адвокат топиб, ҳуқуқий ҳимоя сўрамади? Биринчидан, бунинг учун унга ҳуқуқий саводхонлик етишмайди. Иккинчидан, бундай фуқароларни баъзи орган ходимлари "адвокат ҳузурига сарсон бўлиб юрма, каттагина харажат чекасан, яхшиси ўзимиз билан келишсанг, нари борса, жарима билан қутқариб юборамиз" деб чалғитади. Шу тариқа фуқаро токи алданганини билгунга қадар катта имкониятларни бой беради. Кейинчалик у барибир ҳимоячига мурожжат этишга мажбур бўлади. Бу пайтга келиб иш бирмунча чигаллашган, қораловчи ва айбловчи томон ўз позициясини мустаҳкамлаб олган бўлади. Аксарият фуқароларимизнинг аҳволи шу. Ёки айрим "ғамхўрлар"нинг маслаҳатига кўра, умуман адвокат шарт эмас деб ўйлашади. Ҳолбуки, қонунларимизда ижтимоий муҳтож фуқароларимизни ҳатто давлат хазинаси ҳисобидан ҳуқуқий ҳимоя қилиш аниқ белгилаб қўйилган.

Б.О: Сиз кўплаб фуқароларнинг кўнгилларида тугун бўлиб турган дардларнинг ечимидан сўз очдингиз. Ростдан ҳам, моддий аҳволи ҳаминқадар бўлса, аризасига кўра бундай фуқаролар ҳатто давлат бюджети ҳисобидан адвокат ёллашлари мумкин. Бироқ адвокатлик билан шуғулланаётган ҳуқуқшунослар орасида баъзи бир фирибгарлари ҳам учраб турадики, беихтиёр ёқа ушлайсан киши. Келинг, шу ўринда бир ҳаётий мисолга мурожаат қилайлик. Термиз шаҳридаги "Сурхон" меҳмонхонаси сартароши Эшмурод Болтаев ҳамда унинг собиқ хотини ўртасида ҳуқуқий низо пайдо бўлади. Унинг шикоятича, ўзига яқин таниш бўлган адвокат аёл "Сизни судда ҳимоя қиламан, йўқса, қамалиб кетасиз", дея ваҳимага солиб, анча-мунча харажатга қўяди. Кейин яна қиймати 200 АҚШ доллари миқдорида баҳоланадиган электр асбоб-ускуналарини гаровга оларкан, "Мен сизни судда ҳимоя қилиб, ютиб чиққанимдан сўнг хизмат ҳақи берсангиз, буюмларингизни қайтариб бераман", дея шарт қўяди. Иш ҳали судга етмай туриб, матбуотда Юртбошимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармони эълон қилинади. Унга кўра Э. Болтаевнинг устидан қўзғатилган жиноят иши ўз-ўзидан ҳаракатдан тўхтатилади. Аммо орадан шунча вақт ўтибди ҳамки, ўша адвокат аёл ҳанузгача сартарошнинг буюмларини гаровда ушлаб турибди.

А.Ж: — Аввало бировларнинг пули ва қимматбаҳо буюмларини алдов йўли билан олиш — ўта пасткашлик ҳисобланади. Ўша сартарош адвокатни судга берсин. Фирибгар, товламачи, умуман, ҳуқуқшунос деган номга доғ тушириб юрган муттаҳамларнинг ниқобларини йиртиш вақти келди.

Ч.А: — Оддий ишчидан лавозимдор фуқарогача ўзларининг ҳуқуқий саводсизлигини батамом тугатмас экан, бундай нохуш ҳолатларга чек қўйиш осон кечмайди. Ҳуқуқий муаммо пайдо бўлганда, ҳовлиқмаслик ҳам, бепарво бўлмаслик ҳам керак. Сартарошнинг қонунни яхши билмаслиги қоқилишига сабаб бўлган.

Юсуф ВАЛИҚУЛОВ, ТДУ доценти:

— Оддий фуқаролargина эмас, балки баъзи бир зиёлилар ҳам ҳуқуқий саводсизликдан ҳали қутулгани йўқ. Шуни ўйласам, танишим айтиб берган бир кўнгилхиралик ёдга тушади. Унинг айтишича, жияни билан бир йигит ўртасида жанжал чиқиб, муштлашадилар. Икки томон ҳам тан жароҳати олади. Терговчи менга таниш эди, - деди танишим.

Гарчанд икки томоннинг ҳам айби бўлса-да, "энди буёғи нима бўларкан?" - дея терговчи ҳузурига бордим. "Домлажон, бир келибсиз-да, хотиржам бўлинг. Арзимаган гап экан. Ўзим тўғрилайман. Фақат... жиянга айтинг, менинг айтганларимни қилсин",- деди. Мен ҳам хурсанд бўлганимдан жиянимга "терговчининг айтганларига риоя қил, бурнингни қонатмайди",-деб роса тайинладим. Худди ўзи билгандек, ўзи айтгандек терговчи ишни боплаб "тўғрилади". Бор-йўғи қўл ташлашиб, бир-биридан кечирим сўраб ярашиш билан битадиган жанжал шу қадар чигаллашиб кетдики, буни кеч пайқадик. Ҳали ҳам бахтимизга жияним билан жанжаллашган йигитнинг ота-онаси ҳам тушунадиган одамлар экан. Улар бутунлай ўз даъволаридан воз кечишди. Бу пайтда жияним қарийб "жиноятчи"га айланиб, идорасидан ишдан бўшатилганди. "Ғамхўр" терговчининг "илтифоти"дан сўнг анча пайт ишсиз юрди.

Бу воқеадан келиб чиқадиган хулоса шуки, фарзандларимизни ўзи ва ўзгаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилишга ўргатишимиз даркор. Аслида демократия деган сўзнинг битта маъноси ҳам мана шу.

Ўроқ ИБРОҲИМОВ, ТДУ профессори:

— Мен жисмоний тарбия ва спорт соҳаси бўйича мутахассисман. Ҳамма қатори спортчига ҳам ҳуқуқий маданият ғоятда зарур. Фикримча, ҳозир фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги қониқарли аҳволда эмас. Шўро замонидан бизга ёмон иллат мерос қолган. Яъни баъзан биз ҳуқуқий билимнинг қанчалик керак бўлишини ҳис қилмаймиз. Баъзи бир фуқаролар онгида «Ҳуқуқий билим фақат ҳуқуқшуносларга керак» деган фикр ҳам йўқ эмас. Ҳолбуки, ҳуқуқий саводхонлик ҳаммага керак. Ҳозирда ҳуқуқий адабиётлар, талаб даражасидаги ўқув дастурлари ва малакали мутахассисларга эҳтиёж катта. Бу эса бу борада ҳали кўп ишни амалга оширишимиз лозимлигини кўрсатади.

САРГАРДОНЛИК ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

Tahrirsiz maktub

Мен 1989 йилда ҳозирги "Гулзоробод" жамоа хўжалиги раиси М. Абдукаримов билан темир йўл яқинида чойхона қуриш тўғрисида шартнома туздим. Унга кўра жамоа хўжалиги қурилиш материаллари бериши ва мен иморат қуришим керак эди. Лекин жамоа хўжалиги айрим қурилиш материалларини бермади. Раис "ўзинг топиб қуравер, ишлатган материалларинг ўрнига кейин бераман", деб оғзаки ваъда берди. Мен керакли жиҳозларни уйим ва дўкондан сотиб олиб, ўша йили кузда чойхонани қуриб битиргач, унда ўзим ишлай бошладим.

1990 йилда чойхона ёнидан меҳмонхона қуриш тўғрисида бир фикрга келингач, раисдан аввал чойхона қурилиши учун кетган материалларни беришини сўрадим. У эса "қўрқма, бераман, бермасам ҳам вақти келиб чойхона ва меҳмонхонани сенга сотамиз, ҳаммаси ўзингники бўлади", деди. Мен раиснинг бу гапларига ҳам ишониб, меҳмонхона қурилишини бошладим.

1993 йилда жамоа хўжалиги билан шартнома тузиб, уларга чойхонани 5 (беш) йилга ижарага бердим. Аммо 1995 йилда улар чойхонани зўрлаб олиб қўйишди. Чойхона ва меҳмонхона қурилиши учун кетган материаллардан ҳам дарак йўқ. Шу тариқа сарсонгарчилигим бошланди. Раис уч йил давомида "бераман" деб алдаб юриб, охирида "қаерга борсанг, бор, ҳеч нарса бермайман", дея ҳайдаб юборди. Шунча саргардонликдан сўнг 2000 йилда юқори ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилдим. У ерда менга даъвом муддати ўтгани, ўзим яшайдиган туман судига бориб даъво муддатини тиклашимни маслаҳат беришди. Шу йили даъво муддатини тиклаб, жамоа хўжалигини судга бердим. 2000 йил 20 декабр куни суд менга етказилган моддий зарар уч ярим миллион сўм, маънавий зарар ярим миллион сўм бўлганини аниқлаб ҳукм чиқарди. Жамоа хўжалиги ҳукмдан норози бўлгач, 2001 йил 21 феврал куни қайта суд бўлди. Бу суд ҳам менга етказилган моддий ва маънавий зарар миқдорини тўрт миллион сўм қилиб, ажрим чиқарди. Жамоа хўжалиги раҳбарияти судни яна бузди. Ажабланарли томони шундаки, 2001 йил 21 февралдаги суддан сўнг сентябр ойигача ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Мен яна юқори идораларга шикоят ёздим. Улар аралашгандан сўнг бу иш қайта кўриб чиқилди. 2002 йил 20 январ куни Зангиота туман суди Чиноз туман кадастр бўлимининг чойхона ва меҳмонхона нархини бир миллион етти юз минг сўм қилиб белгилаганини ҳисобга олиб, шундан эллик фоизини менга бериш ҳақида ажрим чиқарди. Мен саккиз юз эллик минг сўм олиб, шундан яна бир юз етмиш беш минг сўм давлат божи тўлашим керак эмиш...

Ажабо, етти йил сарсон бўлиб юриб, яна давлат божини ҳам мен тўласам... Суд чиқарган ажримдан норози бўлиб, судни қайта кўришни сўраб ариза ёзсам...

2002 йил 20 январда бўлган суд натижаси ҳам ҳал бўлмади. Бу ҳақда суд ҳакамига мурожаат қилганимда, у "давлат божининг эллик фоизини тўласанг, ишингни вилоят судига юбораман, бўлмаса йўқ," деб туриб олди. Етти йил ишсиз сарсон бўлиб юрган бўлсам, саксон етти минг сўмни қаердан оламан?... Хўжаликдан пулимни ундирганимдан кейин тўлайман, десам ҳам кўнмади. Бу ёқда 2000 йилдаги нарх-наво билан 2002 йилдаги нарх-наво тўғри келмайди...

Менга қўйилган айб эса қуйидагича: маҳалла оқсоқоллари меҳмонхонани "қиморхона" қилиб юборди, деб шикоят ёзган эмиш. Ваҳоланки, бундай шикоят маҳалла китобида қайд қилинмаган. Ой-йилу санаси ҳам йўқ. Буни суд қандай инобатга олди, билмайман... Қолаверса, олдинги судни бузгани учун раис ҳеч қандай давлат божи тўлагани йўқ. Буни қандай тушуниш керак?

Бу борада маслаҳат берарсизлар, деган умиддаман.

Ислом РАСУЛОВ,
Чиноз тумани

ТАҲРИРИЯТДАН: ***Мазкур мактубдаги барча фикр ва далиллар хат муаллифи нуқтаи назаридан ёзилгани боис таҳририят бу ҳақда аниқ хулоса чиқаришга шошилмайди. Чунки иккинчи тарафнинг бу хусусдаги мулоҳазасини билиш лозим. Шундай экан, мутасадди идораларнинг бу борадаги фикрларини кутиб қоламиз.***

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

БОЛА КИМ БИЛАН ЯШАГАНИ АФЗАЛ?

Аввало шуни айтиш керакки, Оила Кодексининг 71-моддасида ота ва онанинг бола масаласида тенг ҳуқуққа асосланиши қайд этилган. 1998 йил 11 сентябрда Олий суд Пленумида қабул қилинган "Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан Қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарори 3-бандида бу ҳақда қуйидагича фикр юритилган. Унга кўра, суд бошқа-бошқа турадиган эр-хотин ўртасида бўлган бола уларнинг қайси бири билан яшаш учун қолиши тўғрисидаги низоларни ҳал этишда Оила кодексининг 71-моддасида белгиланган ота ва онанинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенглигига асосланган ҳолда, вояга етмаган болаларнинг манфаатлари ва хоҳишларига мос келадиган ҳал қилув қарори чиқарилиши лозим. Бунда суд ота-онадан бирининг моддий-маиший аҳволи устунлигининг ўзи болани унга олиб бериш учун асос бўла оладиган шарт ҳисобланмаслигини инобатга олган ҳолда, уларнинг қайси бири болаларига нисбатан кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётгани, болаларнинг ёши ва ота-онадан қайси бирига кўпроқ кўнгил қўйгани, ота онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатлари, ота-она ва бола ўртасидаги муносабат, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онасининг маълумот тури, иш тартиби ва моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини ҳисобга олади. Суд 10 ёшга тўлган боланинг ота-онасининг қайси бири билан яшаш истаги борлигини ҳам эътиборга олиши мумкин.

Албатта, ҳар бир бола ота-онасининг бағрида ўсиб-улғайса, унинг келажакда ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши кафолатланади. Чунки фарзанд тарбиясида ота-она меҳру муҳаббати, оилавий муҳитнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди

Лекин ҳаёт азалдан мураккаб яратилган. Унда турли хил оилавий низо, зиддият ва келишмовчиликларнинг учраши энг аввало, фарзанд тарбияси, унинг келажагига таъсир қилишини унутмаслик керак. Шунинг учун фарзанд ҳам ота, ҳам онанинг меҳрига бирдек қониб ўсиши — энг биринчи навбатда оиланинг мустаҳкам бўлишини тақозо этади. Ана шундай эзгуликнинг масъулиятини ҳис этиб яшаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Shikoyat va taqdir

НАЗАРДАН ЙИРОҚ ЯҚИН МАСКАНЛАР

Истиқлол халқимиз ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Миллий истиқлол мафкураси ва Президентимизнинг ташаббуси билан барча соҳада ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тарихимиз ва ўтмиш меросимизга муносабат тубдан ўзгарди. Биргина Хоразм вилоятида буюк ватанпарвар Жалолиддин Мангуберди, жаҳонга машҳур алломалар ёдгорлик мажмуалари барпо этилди. Уларнинг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини таъкидлашга ортиқча ҳожат йўқ.

Урганч шаҳрининг азим Шовот соҳилида барпо этилган Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик боғ-мажмуаси кўркам ва улуғворлиги билан бошқалардан ажралиб туради. У обида катта сарф-харажат ва фидокорона меҳнат эвазига бунёд этилди. Ҳозирда ушбу хушманзара ва кўркам боғ-мажмуа ҳақида ҳар қанча тўлқинланиб гапирсак-да оз. Лекин бу ўринда гап жиловини бошқа ёққа бурмоқчимиз. Гап шундаки, шу яқин ўртада яшовчи аҳоли шундай кўркам боғ-мажмуанинг орқа тарафи ҳанузгача хароба ҳолида ётганидан кўп азият чекмоқда. Шу боис 2000 йилнинг ёз ойида "Инсон ва қонун" газетасида ушбу масала юзасидан мақола чоп этилиб, жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган эди. Бундан бирор-бир жўяли натижа чиқмагач, шу масала хусусида 2001 йилнинг апрел ойида шаҳар ҳокими билан учрашилган. Ҳоким жаноблари бу таклифни ёқинқирамай қабул қилган бўлса-да, уни умумий тарзда ижобий ҳал этишга ваъда берган. Бироқ ваъда ваъдалигича қолиб кетди.

Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик-мажмуасидан унча узоқ бўлмаган жойда эски истироҳат маскани бор. Ҳозирда бу ердаги ям-яшил дарахтлар кесилиб, соҳилдаги йўлкалар қазиб ташланган. Хиёбон машина, ҳатто одамлар ҳам юролмайдиган ўнқир-чўнқирларга айланиб қолган.

Илгари анҳор қирғоқларини сув ювиб кетмаслиги учун ўрнатилган иҳота воситаларидан ҳам ном-нишон йўқ. Устига-устак айрим кишилар харобазор масканга ҳар хил чиқинди ва ахлатларни келтириб ташлашни одат қилган. Нафақат соҳил, балки унга туташган ариқ ва ариқчалар ҳам ташландиқ аҳволда. Илгари иккита сув насоси бўлиб, соҳилдаги дарахтлар ҳамда уй-жойлар атрофидаги ариқлар оби-ҳаёт билан баҳраманд этарди. Қирғоқ бўйи харобага айлангач, бир йўла насосларга ҳам эътибор сусайди. Шундай қилиб, ушбу йилнинг май ойи охирласа ҳамки, ўша икки насосдан бирон томчи сув ҳайдалмади. Авваллари унинг бири шаҳарнинг "Темир йўлчилар" мавзеси, иккинчиси эса 119-даҳани оқар сув билан таъминлаб келган. Темир йўл транспорти дирекцияси йил бошида ўзига тегишли насосни ҳеч ким қарамагандан кейин бузиб, керакли жойга олиб кетди. 119 даҳага хизмат қилган насосни эса ўғри урди. Аҳоли маблағига сотиб олинган насос 1999 ва 2000 йиллар мобайнида "ёшулли"лар қарорига биноан "қантариб" қўйилди. Охир у ҳам бир кечада қаёққадир гум бўлди.

Хуллас, Урганчда "ёшулли"ларнинг қадами узилган, кўрганда терс қараб ўтадиган кўча, даҳа ва маҳаллалар анчагина. Энг ачинарлиси, назардан четда қолаётган масканларнинг аксарияти аҳолининг истиқомат жойларидан иборат. Кези келганда бир ибратли тадбирни айтиб ўтишни лозим топдик. Ўтган йили вилоят ҳокимининг саъй-ҳаракати билан шаҳардаги йирик болалар шифохонаси деярли ҳашар йўли билан қайтадан таъмирланиб, янги жиҳоз ва тиббиёт воситалари билан таъминланди. Ундан бироз ўтгандан кейин Юртбошимизнинг ташаббусига жавоб тарзда Урганчда шошилинч тез ёрдам шифохонаси ҳам фойдаланишга топширилди. Демак, излаган имкон топади. Ана шунга ўхшаш тадбирлар одамлар истиқомат қиладиган даҳа ва маҳаллаларга ҳам қаратилса, киройи иш бўларди. Зеро, аҳоли истиқомат қиладиган жойларда ҳукм сураётган ноқулай шароит бу масалани ҳаялламай кун тартибига қўйиш зарурлигини тақозо этаяпти.

Ушбу мақоламизни қоралашдан олдин шаҳарнинг айрим кўча, даҳа ва маҳаллаларини айланиб чиқдик. Барида деярли бир хил манзара: антисанитария ҳолати, озода-орасталикдан эса нишона йўқ. Хусусийлаштириб олинган собиқ коммунал уйларнинг эгалари ўзлари яшаётган жойлар атрофини ўзбошимчалик билан ўраб олишган. Бу эса на архитектура режаси ва на дид-савияга мутлақо тўғри келмайди. Бундан ташқари, қўшимча қурилмалар, қўлбола далаҳовлилар ёмғирдан кейинги қўзиқориндек кўпайиб кетган. Ҳатто илгари очиқ турган спорт ва болалар майдончалари, ҳовузлар ҳам қайгадир "ғойиб" бўлган. Буларни шу атрофда яшайдиган уй-жой эгалари беистиҳола эгаллаб, улардан ўзлари учун қўшимча қулайлик ва шароит сифатида фойдаланишмоқда. Биргина 119- даҳанинг ўзида бу каби дала ҳовли, бино ва иншоотлар сони 100 тадан зиёд.

Шаҳарнинг 3-4-6-кичик даҳалари, темирйўлчилар ва пахтачилик тажриба станцияси мавзелари, Паҳлавон Маҳмуд ва ал-Хоразмий кўчаларига туташ маҳаллалардаги аҳвол ҳам бундан тузук эмас.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jahon tajribasi

ЯПОНИЯ ПАРЛАМЕНТИ

Маълумки, Конституцияга мувофиқ, Япония парламентар монархия ҳисобланади. Шу асосда Япония парламентининг "давлат ҳокимиятининг олий органи ва давлатнинг ягона қонун чиқарувчи органи" эканлиги конституция билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Бизга маълумки, Япония парламенти дунёдаги энг малакали ва профессионал парламент саналади. У икки палатадан таркиб топган: юқори палата — маслаҳатчилар палатаси ва қуйи палата — вакиллар палатаси.

Парламентнинг юқори палатаси ҳисобланган маслаҳатчилар палатаси 252 депутатдан иборат таркибда 6 йил муддатга, ҳар 3 йилда депутатлар умумий сонининг 1/2 қисми қайта сайланиб туриши асосида ташкил этилган. 30 ёшга тўлган шахс мажоритар сайлов тизими асосида кўпчилик овоз бериши йўли билан маслаҳатчилар палатаси депутатлигига сайланиши мумкин.

Парламентнинг қуйи палатаси ҳисобланган вакиллар палатаси ҳақида гапирадиган бўлсак, 1994 йил январда қабул қилинган қонунга кўра, Япония аҳолиси сонидан қатъи назар, депутатлар сони 500 нафардан ошмаслиги белгилаб қўйилди. Вакиллар палатасининг фаолият кўрсатиш муддати 4 йилдир. Вакиллар палатасига сайловлар мажоритар сайлов тизими асосида кўпчилик овоз бериши йўли билан партия рўйхати бўйича амалга оширилади.

Япония парламентининг шаклланишида гаров тизими йўлга қўйилган бўлиб, унга кўра, маслаҳатчилар палатаси депутатлигига номзод икки миллион йен миқдорида, вакиллар палатаси депутатлигига номзод эса уч миллион йен миқдорда пул тўлайди, агар номзод тегишли округдаги белгиланган квотанинг 1/5 қисм овозларни тўплай олмаса, бундай ҳолда унинг қўйган пуллари қайтариб берилмайди ҳамда давлат ҳисобига ўтказилади. Ушбу белгиланган институт депутатликка бўладиган сайловларни номуносиб, виждонсиз ва обрўсиз номзодлардан тозалашга хизмат қилади.

Кўриб турибмизки, Японияда сайлов амалиёти яхши йўлга қўйилган ва ривожланган. Хусусан, ҳеч қайси номзод ўз рақибига нисбатан қарши фикр билдириши мумкин эмас, балки у ўзининг рейтингини ўйлаши ва уни кўтаришга ҳаракат қилиши керак. Телевидениеда чиқиш қилиш учун номзодларга атиги уч дақиқа вақт ажратилади, ҳеч қайси номзод қўшимча вақт сотиб ололмайди.

Япония парламентининг ташкилий тузилиши ҳақида гапирадиган бўлсак, унда белгиланган ишчи органлар ташкил этилади, вакиллар палатасининг раиси, ўринбосарлари, бош котиби (бош котиб депутат ҳисобланмайди) ва спикери сайлаб қўйилади. Худди шундай органлар маслаҳатчилар палатасида ҳам шакллантирилади.

Ҳар иккала палатада икки кўринишдаги комиссия ташкил қилинади: доимий ва махсус комиссиялар.

Ҳозирги вақтда вакиллар палатаси 18 та махсус комиссияга эгадир. Улардан 12 тадан зиёдроғининг фаолияти у ёки бу даражада бевосита тегишли вазирликларнинг иши билан боғлиқдир. Маслаҳатчилар палатасида 16 та доимий комиссия фаолият кўрсатади. Махсус комиссиялар ўз ваколатлари доирасида мустақил равишда қонун лойиҳаларини муҳокамага олиб чиқиш, "ўзларининг" вазирликларини назорат қилиб туриш ҳуқуқига эгадир. Комиссиялар парламентдаги сиёсий партиялар вакилларига пропорционал равишда шакллантирилади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар бир депутат камида битта-иккита комиссиянинг аъзоси бўлиши лозим.

Парламент бир йилда бир марта чақирилади. Ҳар бир палата ўз мажлисини депутатлар умумий сонининг камида 1/3 қисми иштирок этгандагина ўтказиши мумкин.

Бош вазир ва бошқа давлат вазирлари парламентда аъзо ёки аъзо эмасликларидан қатъи назар, қонун лойиҳалари бўйича сўзга чиқиш учун ҳар иккала палатанинг ҳар қандай йиғилишларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Япония парламенти ҳақиқатдан ҳам малакали парламент ҳисобланади. Фикримизча, Япония парламентини қуйидаги сабабларга кўра малакали деб эътироф этса бўлади:

1) Барча депутатлар депутатликка сайланишлари заҳотиёқ ўзларининг юридик малакаларини оширишга киришишлари лозим.

2) Япония парламентининг ўз кутубхонаси мавжуд бўлиб, унда турли ихтисосликлар бўйича 4 миллионга яқин китоб жамланган. Шунингдек, икки мингга яқин диссертация мавжуд, хусусан, кутубхона компьютерлаштирилганлиги боис депутатлар бир зумда ўзларини қизиқтирган масала бўйича маълумот олиш имкониятига эгалар. Кутубхонада бир неча минглаб ходимлар ишлайди ва улар депутатлар учун рефератлар ёзиб берадилар. Шунингдек, улар депутатлар учун маърузалар лойиҳаларини тайёрлаб ҳам берадилар.

3) Ҳар бир депутат иккитадан юқори малакали ёрдамчи билан таъминланади.

Япония парламенти асосан қуйидаги тўрт асосий вазифани бажаради:

1. Қонунчилик фаолиятини амалга ошириш.
2. Бюджетни тасдиқлаш.
3. Бош вазирни сайлаш.
4. Назорат ваколатларини амалга ошириш.

Қонунчилик жараёни қуйидагича амалга оширилади:

1. Қонун қабул қилишга бўлган объектив эҳтиёжлар аниқланади. Шунинг учун бўлса керак, Япония қонунлари самарали ҳисобланади.
2. Қонун лойиҳаси муҳокамаси. Ушбу жараёнда учта ўқиш яққол намоён бўлади.
3. Регламент бўйича овоз бериш. Ҳар бир депутат ўзининг визит карточкасини овоз бериш бюллетенига қистиради ва бу бюллетенни қутига ташлайди. Овоз беришнинг иккинчи усули электрон техника воситасида амалга оширилади. Учинчи усули — ўрнидан туриш йўли билан амалга оширилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Япония парламентида вакиллар палатасининг ҳуқуқий мавқеида маслаҳатчилар палатасининг ҳуқуқий мавқеига нисбатан бир қатор устуворликлар мавжуд. Чунончи, қабул қилинаётган қонун лойиҳаси аввал палаталарда муҳокама қилинади, сўнгра ҳар иккала палата уни қабул қилиши билан лойиҳа қонунга айланади. Вакиллар палатаси томонидан қабул қилинган қонун лойиҳаси маслаҳатчилар палатаси томонидан маъқулланмаса, яъни қабул қилинмаса, лойиҳа вакиллар палатасига қайтарилади. Агар ушбу қонун лойиҳаси иккинчи маротаба вакиллар палатаси депутатларининг 2/3 қисми овози билан маъқулланса, у қабул қилинган ҳисобланади ва қонун кучига эга бўлади (Конституциянинг 59-моддаси).

Бюджет муҳокамасида ҳам вакиллар палатаси бир қанча устуворликларга эгадир. Агар маслаҳатчилар палатасининг бюджет бўйича чиқарган қарори вакиллар палатасиникидан фарқ қилса ва бунда палаталар ягона фикрга кела олмаса ёки маслаҳатчилар палатаси 30 кун мобайнида охирги тўхтамга келмаса, ундай ҳолда вакиллар палатасининг бюджет бўйича чиқарган қарори парламент қарори ҳисобланади (Конституциянинг 60-моддаси).

Япония Бош вазири лавозимига номзодни вакиллар палатаси депутатлари илгари сурадилар.

Япония парламентининг назорат ваколатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

1) Ҳукумат дастурини тасдиқлаш — агар унинг дастури тасдиқланмаса, ҳукумат истеъфога чиқиши лозим.

2) Одатдаги депутат саволлари — бу саволлар асосан Япония ҳукумати аъзолари ва Бош вазирга берилиши мумкин. Саволларга жавоб дарҳол қайтарилиши керак, агар қўшимча маълумот талаб қилинса, ундай ҳолда жавоб 3 кун мобайнида қайтарилади.

3) Депутат сўрови — император ва депутатлардан ташқари, давлатнинг барча мансабдор шахсларига қаратилади.

4) Ҳукуматга ишончсизлик вотумини киритиш ҳуқуқи (ушбу ваколат фақат вакиллар палатасига берилган) — агар ҳукумат яхши бюджет ишлаб чиқа олмаган бўлса ва унга парламент томонидан ишончсизлик вотуми киритилган бўлса, ҳукумат ўша заҳоти истеъфога чиқиши лозим.

Барча ҳолатларда ё ҳукумат истеъфога чиқади ёки вакиллар палатасига янги сайловлар тайинланади.

Акмал БУРХОНОВ,
магистрант

Mulohaza uchun mavzu

ҚОНУНДАГИ ҚИМОРХОНА...МИ?

Ҳурматли муштарийларимизнинг ёдида бўлса, газетамизнинг 2002 йил 5 феврал сонида мазкур сарлавҳали мақола эълон қилган эдик. Мақолада биллиярдхоналарда юз бераётган турли-туман қинғирликлар қаламга олинган эди. Ўша мақолада суҳбатдошларимиздан бирининг мана шундай фикрларини келтириб ўтгандик: "...Аввалига болаларимизни видео деган бир балодан асраймиз, деб анча овора бўлдик. Тўғри-да, болангни тарбияси бир издан чиқса, уни қайта изга солишнинг ўзи бўлмайди. Кейинги пайтларда шу видео деганига ё ўзимиз кўникиб қолдикми ёки болаларимизми, хуллас, бу бизни кўп ўйлантирмай қўйгандай эди.

Энди қишлоқларимизда биллиярд дегани ҳам пайдо бўлди. Бу ҳам бир бало. Тўртта бола тўпланиб олиб, тўртта тошни қарсиллатиб урғани-урған. Аввалига, "Ҳа, энди бу ҳам спортнинг бир тури экан-да", деб қўйдик. Аммо кейин қарасак, бу биллиярд деган бало ёшларимизни ўз домига тортаяпти. Суриштирсак, бир ўйин учун ёки ҳар соатига фалон пул тўлаш керак экан. Яна баъзи-баъзида пул ҳам тикиб ўйнашар экан. Ахир, бу қиморбозлик эмасми? Мен-ку, "яқин йўлаганингни оёғингни уриб синдираман", деб жиянларингни қайтардим. Лекин меники бўлмаса, бошқа бировнинг боласи бораяпти-да, ўша биллиярдхонасига. Бирови ота-онасидан рухсат олиб борса, бирови бекитиқча боради. Хуллас, биллиярд дегани бизга нима беради ўзи?.."

Тўғриси, ушбу саволга аввалги мақоламизда ҳам маънилироқ жавоб топа олмаган эдик. Лекин таъкидлаб ўтган эдикки, биллиярд ҳам теннис, футбол ёки бошқа шунга ўхшаш спорт турларидан бири. Спортнинг бу тури билан жаҳоннинг барча ривожланган давлатларида шуғулланадилар. У билан шуғулланиш, уни ўргатиш ёки ўрганиш ҳеч бир давлат қонунларида таъқиқланмаган. Жаҳоннинг барча мамлакатларида спортнинг бу тури билан ҳалол-покиза шуғулланаётган минглаб биллиярд ишқибозларини топишингиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам. Шу боис биз тилга олаётган муаммоларга спортнинг бу тури билан ҳалол-покиза шуғулланаётганларнинг ҳеч бир алоқаси йўқ. Лекин...

Ҳамма гап мана шу "лекин..."-да.

Газетамизда биринчи мақола эълон қилингач, анча-бунча қўнғироқлар бўлди, мактублар келди. Уларда ҳам биз тилга олган мавзу, яъни кўпгина жойлардаги биллиярдхоналар яширин қиморхоналарга айланиб бораётганлиги, уларнинг кеча-ю кундуз ишлаши оқибатида ёшлар орасида турли-туман жиноятчиликлар содир бўлаётгани ҳақида сўз боради. Ўзини Ботир деб таништирган йигит шундай воқеани сўзлаб берди:

— Мактабимизнинг ёнида биллиярдхона мавжуд. Уни амаким очгани учун сизларга тўлиқ манзилини айта олмайман. Чунки шусиз ҳам отам билан амаким мана шу биллиярдхонани деб келишмай қолган. Отам уни очилишига қарши бўлган эди. Амаким эса барибир очди. Ҳар куни дарсдан кейин биз — мактаб ўқувчилари ҳам бу ерда биллиярд ўйнаймиз. Аввалига бемалол эди. Ҳозир бир-икки кун аввал навбатга ёзилмасанг бўлмайди. Чунки талабгор кўп. Ўйин учун ҳар соатига беш юз сум тўланади. Чўнтаги бақувватроқлар ўртага пул ҳам тикади. Амаким биллиярдхонани ишга туширган биринчи кундан бошлаб, қарзга ҳам ўйнаш мумкинлигини айтган. Ҳозир ҳам шундай. Агар пулингиз бўлмаса, бемалол қарзга ўйнайверасиз. Фақат қарзни белгиланган муддатда қайтарсангиз бўлди. Агар ўйнаган бола ўз вақтида қарзини узолмай қолса, амаким, албатта, унинг ота-онасидан бориб пулини олиб келади. Ота-онангдан калтак еганингдан кўра, бир йўлини қилиб, қарзни ўз вақтида қайтарганинг яхши-да.

Яқинда бир ёмон воқеа рўй берди. Шу сабаб ҳам сизларга қўнғироқ қилаяпман. Балки бу бошқа тенгдошларимизга ҳам сабоқ бўлар. Синфдошларимиздан бири ҳар куни биллиярд ўйнайвериб, ўн минг сўмга яқин қарз бўлиб қолган экан. Амаким агар душанбагача қарзини олиб келмаса, ота-онасига бориб айтишини билдирибди. Ота-онасининг хабар топишидан қўрққан синфдошимиз, якшанба куни қўшнисининг қўйини ўғирлаб бозорга олиб чиқибди. Албатта, у қўлга тушди. Ота-онасининг қишлоғимиз одамлари олдида юзи шувит бўлди. Отамнинг айтишига қараганда, ҳозир синфдошимизнинг отаси ўғли келтирган иснодга чидаёлмай шифохонага тушибди. Отам билан амаким шу сабаб яна жанжаллашиб қолди. Отам "биллиярхонангни ёп", дейди. Бунга жавобан амаким эса "мен ҳеч кимнинг боласини мажбуран ўйнатаётганим йўқ", дейишдан нарига ўтмайди...

Қизиқ, наҳотки биллиярдхоналар мактабларимизгача кириб бораётган бўлса, деган фикр бизни безовта қилиб турган бир пайтда, марказий газеталардан бирида тумандаги китоб дўкони ёпилиб, унинг ўрнида биллиярдхона очилганлиги ҳақидаги хабарни ўқиб қолдик.

Хўш, бу ўринда жамоатчиликнинг фикри қани? Нега "қонундаги қиморхона"ларга ҳеч ким жиддийроқ қарши чиқмаяпти? Биллиярдхоналар фаолиятини тартибга солувчи бирор-бир идора йўқми? Наҳотки, мактаб ёнида фаолият юритаётган биллиярдхона ўша мактаб ўқитувчилари ёки қишлоқ оқсоқолларини, ҳеч бўлмаганда, ўша ҳудудга масъул бўлган маҳалла нозирининг назаридан четда қолаётган бўлса? Қолаверса, бизнинг уч ой муқаддам чоп этилган мақоламизга аҳолининг турли тоифаси вакиллари эътибор беришди-ю лекин бирор бир масъул идорадан икки энликкина жавоб хати олмаганимизни қандай изоҳлаш мумкин?

Тўғри, бугун турли вилояту туманларда фаолият кўрсатаётган юзлаб биллиярдхоналарнинг қай бирида бўлманг, уларнинг эгалари сизга барча керакли ҳужжатларни пеш қиладилар. Қонун асосида иш юритаётганлари, солиқларни ўз вақтида тўлаб турганларини таъкидлашади. Биз ўзимиз қизиқиб кўрган биллиярдхоналарда ҳам айнан шундай ҳолга дуч келдик. Ҳамма, ҳаммаси қонуний. Бирорта ноқонуний ишни исботлаб беролмайсиз.

Мақоламиз аввалида биллиярдхоналарда пул тикиб ўйнаш ҳоллари ҳам учраб турганлиги ҳақида сўз юритган эдик. Буни қарангки, уни исботлашнинг ҳам иложи йўқ. Чунки пул тикиб ўйнаётганлар ҳеч қачон тикилган маблағни ўртага қўйиб қўймайди. У кўпинча бирор "бетараф" одамнинг чўнтагида бўлади. Ёки ҳар ким ўйин охиригача ўз маблағини ёнида сақлаб туради. Демак, агар улар ўз ихтиёрлари билан пулга ўйнашаётганларини айтмаса, буни ҳеч ким исботлаб беролмайди. Жумладан, биз истаймизми ёки йўқми, биллиярдхона соҳиблари ҳам бундай ноқонуний ишларни "кўрмайди". Аниқроғи, ўзларини кўрмаганга солади. Қани, мана шу вазиятда улардан бирортасини айблаб кўринг-чи? Албатта, ўзингизни уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини паймол қилганингизни исботлаб беришади. Чунки боя айтганимиздай, биллиард ўйини ҳеч қаерда таъқиқланмаган...

Биз аввалги мақоламизда ҳам бир мулоҳаза айтиб ўтган эдик. Қай бир биллиярдхонага ташриф буюрманг, албатта, у ернинг "кунда-шундалари" бор. Яъни, доимий "ўйинчи"лар. Мана шу ўринда кўнгилда бир иштибоҳ пайдо бўлади: хўш, бу "кунда-шундалар" бирор жойда ишламаса, маош олмаса, ҳар куни биллиярд ўйнаш учун кетадиган маблағни қаердан олади? Уларни эртадан кечгача бир жойда тамаки тутатиб, пивохўрлик қилиб ўтиришлари учун маблағ керак эмасми? Ёки бир жойда мудом биллиярд ўйнаётган одамни маҳалла нозирлари, фаоллари кўрмайдими? Ундан "сен бунча пулни қаердан олаяпсан, ўзи", деб сўрайдиган мард йўқми?..

Афсуски, буни ҳаммамиз биламиз. "Бу кунда-шунда"ларнинг пул тикиб ўйнашларига ҳам ақлимиз етади. Айтиш мумкинки, бу яширин қимордан биллиярдхона соҳибининг ҳам, маҳалла нозирининг ҳам, қолаверса, шу атрофдаги жамоатчиликнинг ҳам хабари бўлмаслиги мумкин эмас. Шу ўринда яна бир савол туғилади: хўш, агар ҳамма билар экан, нега уларга қарши бирор бир жиддийроқ чора кўрилмайди? Боя таъкидлаганидек, биринчидан, буни исботлашнинг иложи йўқ. Иккинчидан, кимдир улардан манфаатдор... Агар манфаатдорлик бўлмаганида эди, баъзи жойларда китоб дўконлари ҳам биллиярдхонага айланиб кетмаган бўларди.

Биринчи мақоламиз газетада эълон қилингандан сўнг танишлардан бири қўнғироқ қилиб қолди. Тўғриси, унинг ҳазилнома гаплари юрагимга тегди:

— Сиз журналистларга ҳам бир гап тегмасин-да, нима, болаларимиз биллиард ўйнаса ўйнаётгандир. Шунга ҳам ота гўри қозихонами?! Ахир, ёзаман десанглар муаммо камми? Қани айтингчи, қайси бир биллиярдхонада фожиа юз берибди? Қўлингизда аниқ мисол бўлмаса, ёзиб нима қиласиз?..

Аввалига нима учун мақола унинг кўнглига бунчалик қаттиқ текканини тушунмадим. Кейин суриштириб кўрсам, у ҳам ўз маҳалласида биллиярдхона очган экан. Тушундимки, мақолада унинг ҳам "томорқасига тош отилган". Ҳар куни оқиб келаётган фойдасига путур етишидан чўчиб, насиҳат қилаётган экан.

Ўтган ҳафта яна марказий газеталаримиздан бирида суд очерки эълон қилинди. Унда Қорақалпоғистонда юз берган фожиали қотиллик ҳақида сўз боради. Афсуски, бу қотиллик айнан биллиярдхонада рўй берибди. Хурмачаси тўлганча ичиб олган икки оғайни ўртасидан қочган гап қотиллик билан тугабди...

Маҳалласидан биллиярдхона очган танишимга қўнғироқ қилиб, ўша газетани олиб ўқишни илтимос қилдим. Орадан бирор соат ўтиб телефон жиринглади. Гўшакни кўтарсам, ўша танишим:

— Нима, — деди зарда билан. — Бунақа ҳодиса фақат биллиярдхоналарда юз бераяптими? Қолаверса, биз спиртли ичимликлар сотмаймиз...

Унинг жавоби ўз-ўзидан оқлашдан бошқа нарса эмаслиги кўриниб турибди. Биллиярдхоналарда эса, тамаки-ю спиртли ичимликларнинг хоҳлаган туридан топишингиз мумкин. Агар жуда қонун-қоидани ҳурмат қиладиган бўлишса, пештахта остидан пуллашади, ўша зормандаларни. Буни ҳам кўпчилигимиз биламиз. Биламиз-у, негадир жиммиз.

Сиз нима дейсиз, азиз газетхон. Биз нега жиммиз?..

Ислом ҲАМРО,
журналист



Ajib dunyo

ҲАЙРАТ БАРМОҒИНИ ТИШЛАБ...

Англияда чоп этиладиган "Уик-энд" газетаси 1976 йил 19 май куни сонида Детройт (АҚШ)да рўй берган ақлбовар қилмайдиган ҳодиса тўғрисида ҳикоя қилади: бир болакай бир йил оралиғида икки марта ўн тўртинчи қаватдан йиқилиб, ҳар гал тасодифан бино ёнидаги йўлакдан ўтиб кетаётган Жозеф Фиглок деган кишининг қўлига келиб тушади.

Мазкур ҳодиса шунчалик ғаройибки, ҳатто буни ақлбовар қилмайди. Математик нуқтаи назаридан қараганда, бундай ҳодиса юз бериши эҳтимоли жудаям кичик қийматда бўлса-да, мавжуддир. Лекин афтидан, Тасодиф жаноби олийлари эҳтимоллик назарияси тўғрисида ҳеч нима билмайдиганга ўхшайди.

Америка газеталарига ишонадиган бўлсак, айни шундай ҳолат (албатта ҳодиса жойи ва иштирокчилари ўзгарган ҳолда) 1980 йили Монтгомери (Айдахо штати) шаҳрида ҳам такрорланган. Гап шундаки, ўн етти қаватли "дом" деразасидан Робин Мур деган икки яшар гўдак йиқилиб, йўлакдан ўтиб кетаётган Жуди Барнс исмли талаба қизнинг бошига келиб тушади. Албатта иккаласи ҳам енгилгина жароҳат олишади, холос.

Буни тўғридан-тўғри бахтли тасодифларга йўйиш мумкин. Лекин орадан роппа-роса бир йил ўтгач, Жуди яна ўша уйнинг ёнидан ўтиб кетаётганда, айни шу сонияда кутиб тургандек, яна Робин унинг устига йиқилиб тушганига нима дейсиз? Бу сафар болакай бироз ўсиб, тўлишган эди. Яна омад уларга кулиб боқади.

Бу ўхшашликларга истасак-истамасак, илоҳий тақдирнинг қўли борлигини кўрамиз, ёки илмий тил билан айтганда, бунда яширин қонуният мавжуд.

Бундай қонуният жуда тартибсиз ва мутлақо тасодифий ҳодисаларда ҳам мавжудлигини аниқ бир мисолда кўриш мумкин. Синиқ идиш- товоқларга ҳеч эътибор берганмисиз? Албатта, йўқ. Даниялик физик Якоб Бар эса сополак (сопол ёки чинни парчалари) ни ўрганиб, бутун бошли "Синиқ хумлар назарияси"ни ишлаб чиқди. Сопол парчаларини ўлчамларига кўра ажратар экан, у майда парчалар ўртача катталикдаги парчалардан 16 баробар оғир тош босишини, ўз навбатида ўртачалар хумнинг қолган йирик парчаларидан 16 баробар оғирлигини аниқлади. Мазкур кўрсаткич бироз ўзгариши мумкин ва бу синган буюмнинг материалига эмас, балки, шаклу шамойилига боғлиқдир. Ҳозир ушбу қонуниятдан археологлар шакли номаълум объектни синиқларга қараб тиклашда фойдаланишаяпти.

Россиялик тарихчи олим Александр Безбородовнинг кузатишларини олайлик. У АҚШнинг икки президенти тақдирини таққослайди.

Линкольнни 1860 йили президент этиб сайлашади. Кеннеди эса 1960 йили қасамёд қабул қилади. Орадаги фарқ — 100 йил. Иккаласи ҳам инсон ҳуқуқлари учун курашчи, маслагига кўра, демократ ва негрларнинг тенг ҳуқуқлилиги тарафдори эди. Иккаласи ҳам жума куни хотинларининг кўз ўнгида бошидан ўқ еб, ҳалок бўлишган. Иккаласини ҳам ҳалокат юз беражак жойга боришга кўндиришган.

Авраам Линкольнни Форд театрида ўлдиришган. Жон Кеннеди Форд компаниясида ишлаб чиқарилган "Линкольн" автомобилида ўлдирилган.

Авраам Линкольннинг ўрнини вице-президент Эндрю Жонсон эгаллаган, Кеннединикини эса — вице-президент Линдон Жонсон. Биринчиси 1808 йили туғилган, иккинчиси 1908 йил. Орадаги фарқ — 100 йил.

Авраам Линкольннинг Кеннеди фамилияли шахсий котиби бўлган. Кеннеди котибининг фамилияси эса Линкольн эди. Авраам Линкольннинг қотили Жон Бут 1839 йили туғилган. Кеннедининг қотили деб гумон қилинаётган Ли Харви Освольд эса 1939 йили туғилган. Орадаги фарқ — 100 йил.

Иккала қотил ҳам жанублик бўлган. Иккови ҳам улар устидан бўлажак судгача ўлдирилган.

Бундай ўхшашликлар тарихда кўп учрайди. Уларнинг бари тарихий ҳодисаларнинг олдиндан белгилаб қўйилганлиги, пешонага ёзилганлиги хусусидаги мулоҳазаларга мавзу бўлиб келган ва келмоқда... Аммо аниқланган ёки тахмин қилинаётган вақт кўрсаткичларини рақамларда ифодалашга бўлган ҳар қандай уриниш чиппакка чиқаяпти. Негаки, ҳар жуфт инсон билан юз беражак ҳодисалар интервали турличадир. Топилган қонуниятларни бирлаштирувчи олий қонуниятни аниқлаш шу пайтгача тадқиқотчилардан ҳеч қайсигага насиб этмаган.

Халқимизда "омад ҳам, кулфат ҳам қўшалоқ келади", деган гап бор. Бу қонуниятга, айниқса, врачлар ва милиция ходимлари кўп дуч келишади.

Милициянинг тезкор гуруҳи қандайдир ғайриоддий жиноят тўғрисидаги хабар бўйича йўлга чиқар экан, жиноятчи тутилган тақдирда ҳам шунга ўхшаш жиноят кўп ўтмай яна юз беришига тайёр туришади. Бу ҳодиса бир эмас, бир неча марта такрорланади. Шунинг учун баъзан "Тўда қоидаси" ва ҳатто "Катта тўда қоидаси" деб ҳам аташади.

Гап шундаки, сирли ҳодисалар "тўдаси" бир киши ҳаёти доирасидагина эмас, кенгроқ миқёсда ҳам кузатилиши мумкин.

Қуйидаги мисолга эътибор беринг.

Исо Масиҳ таваллудидан аввалги олтинчи аср. Хитой— улкан империя. Бамбук, гуруч, чой, нозик шеърият ва оғир меҳнат дунёси. Динлар йўқ — маҳаллий **культлар,** анъаналар, иримлар мавжуд. Шунда Цюйфуда ажиб шахс олим Кун Цзи пайдо бўлади. Бугун уни Конфуций номи билан билишади. У ўз таълимотини яратди ва мана орадан икки ярим минг йил ўтса ҳамки, ўзининг миллионлаб тарафдорларига эга.

Худди шу пайтда Ҳиндистон шимолида, Капилавасту шаҳрида Сиддартха Гаутама деган киши саройдаги шоҳона ҳаётига қўл силтаб, ўзликни англаш йўлига киради. Маърифатга эришиб, одамлар орасида ўз таълимотини бошлайди. Бугун бутун дунёда Будда номи билан машҳур.

Худди шу вақтда Элладада (Грециядан ташқари Кичик Осиё ва Жанубий Италиянинг бир қисмини ўз ичига олган ҳудуд) тўсатдан бирбирига боғланган фалсафий мактаблар ва йўналишлар гуллаб-яшнай бошлаган. Уларнинг намояндалари Анаксимен, Анаксимандр, Фагес, Гераклит, Ксенофан, Пифагор — бир қатор фундаментал фанларнинг асосчилари эди.

Сайёрамизда бир вақтда (бир асрда яъни тахминан бир инсон умри чегарасида) инсоният тарихидаги бундай ёрқин фалсафий тафаккур ўчоқларининг пайдо бўлиши ўта фавқулодда ҳодиса. Изланишни давом эттирсак, бундан ҳам ажойиб нарсаларни кузатиш мумкин. Харитадан юқорида қайд этилган фалсафий-диний тафаккур ўчоқларини белгилаб чиқамиз. Булар: Жанубий Италия, Греция, Кичик Осиё, Капилавасту (Непал), Цюйфу (Хитой). Уларни бирлаштириб чиқсак, тўлқинли чизиқ ҳосил бўладики, бу ҳам мазкур ҳодисаларда қандайдир қонуният борлигидан дарак беради.

Кўплаб инқилобий илмий кашфиётларни бира тўла бир неча олимлар бир вақтда кашф этганлигини эсга олайлик. "Эврика!" деган хитоб бир масала бўйича турли тилларда, турли халқларда, турли мамлакат ва қитъаларда бир пайтда янграган. Бунга нима дейсиз?

Физиклар айтишадики, битта факт—тасодиф, иккитаси—анъана, учтаси—қонуният. Хулоса шуки, ер юзидаги ҳаёт сир-синоатларга тўла. Инсоният ҳали уларнинг моҳиятини тўла-тўкис англаб етганича йўқ. Демак, ҳали ўқиб-ўрганишга арзийди бу ҳаёт...

1664 йил 5 декабрь куни Уэльснинг шимолий қирғоқларида "Меней" кемаси чўкиб кетди. Бортдаги 81 йўловчидан Хью Вильямс исмли бир кишигина қутқариб қолинди.

1785 йил 5 декабрда эса деярли ўша жойда "Кинг Жеймс" инглиз кемаси ҳалокатга учради. Бутун кемадан бир кишигина омон қолди. Унинг ҳам исми Хью Вильямс эди.

Яна 5 декабр куни, фақат бу сафар 1860 йили Ла-Манш бўғозида яна бир кема чўкиб кетди. Яна биргина киши қутқариб қолинди. Сезган бўлсангиз керак, бу бахтиёр кимсани ҳам Хью Вильямс деб аташарди...

Математиклар ҳамон ҳайрат бармоғини тишлаганча қолишаяпти.

Хориж матбуотидан
Шерали НИШОНОВ тайёрлади

Jaholat

ҲАЁТДАН СЕВИНОЛМАГАН СЕВАРА

Болалик — подшолик, дея бежиз айтишмаган. Чунки бу даврда бола учун ғам-ташвиш йўқ, қорни очса, онажони истиқболига югуради. Унинг иссиқ қучоғидан баҳра олади, ташналик қонади. Қорни тўйгач, яна ташқарига, дўстлари даврасига ошиқади. Отаси ишдан келса, унинг истиқболига ошиқади. Бундан руҳланган, фарзанди юзидаги бахтиёрликни кўрган отанинг қалби жунбушга келади. Имкони бўлса, унинг учун бор дунёни ҳадя этишга тайёр. Зеро, ота-она бахти ҳам шу эмасми? Ҳатто йиртқич ҳайвон ҳам болам, зурёдим деб машаққат чекмайдими?

... 1995 йилда Тақдирали Ортиқов Марҳамат туманида яшовчи Зуҳрахон Буваева билан ўз тақдирини боғлади. Тўй қилиниб, элга ош тортилди. Келин ҳам, куёв ҳам тўйдан сўнг бир-бирларига муносиб эканлигини ҳис қилишди. Мана шу муносибликнинг тимсоли бўлиб, бир йил ўтгач, ойдек қиз — Севара дунёга келди. Бироқ исми жисмига монанд бу қиз туғилдию, ота-она ўртасидаги севинчга дарз кетди. Негадир Тақдирали билан Зуҳранинг гаплари бир-бириникига тўғри келмай қолди. Оилада бўлар-бўлмас жанжал чиқа бошлади. Охир-оқибат ҳали ота дийдорига тўймаган Севарани опичлаб Зуҳра бу хонадонни тарк этди. Эндигина қадам ташлаб, отаси келса, унга талпинишга шайланаётган Севара энди ўзга бир одам, тўғрироғи, ўгай ота — Ихтиёр Исоқов хонадонига келади.

Дарвоқе, Ихтиёр Исоқов ким? У Зуҳра билан қандай топишиб қолди? Ихтиёр енгил ҳаётга ўрганган, ичкиликка муккасидан кетган одам эди. Мана шундай ичкилик оқибатида жиноятга қўл уриб қамалган ҳам. Сиртдан қараганда, "у ёқдан" қайтгандан кейин Ихтиёр хийла ювош тортиб қолгандай эди. Маҳалла-кўйдагилар битта норасидаси билан ота уйига келиб ўтирган Зуҳрани унга тўғри қилишди. Кўринишидан қўй оғзидан чўп олмагандек кўринган Ихтиёрга розилик берган аёл биринчидан, ёлғиз қизини етим қилмасликни ўйлаганди. Афсуски, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Ихтиёр яна эски қилиғини бошлади. Ичкиликка муккасидан берилди. Зуҳранинг дарди ичида. Аввалига бу жабру жафога чек қўйиб, ёлғиз қизалоғини кўтариб ота-онасиникига кетса сиғар эди, ҳар ҳолда уни ҳеч ким уйдан ҳайдаб чиқармасди. Аммо энди... яна бир норасида Санжарбек туғилган. Унинг отаси шу зулмкор эди. Бу пайтда Севара эсини таниб, онасига дастёр бўлиб қолган, уй юмушларини у билан биргаликда бажарадиган, ҳадемай мактаб ёшига ҳам етадиган ўқувчи бўладиган эди. Айрим пайтларда у ўгай отасининг хурмача қилиқларидан ҳайрон бўлар, маст келган дамларда онаси пинжига суқилиб, кўзларини жовдиратиб ундан нажот сўрар эди. Аммо шафқатсиз одамга бу инсоний хислат бегона экан.

Ўтган йили 22 сентябр куни Ихтиёр маст ҳолда уйига келди-да, чақалоғи Санжарни олиб ўтирган хотинига:

— Бугун дўстим Илҳомнинг туғилган куни. Мен ўша ерда бўламан. Иложини қилсам, олдингга унинг хотинини жўнатиб юбораман. Барибир олиб бораман десам кўнмайсан, — деди.

Зуҳра индамади. Бу жимлик Ихтиёрнинг асаб томирларини қитиқлади.

— Нега индамайсан ёки борасанми? — деб кўзларини лўқ қилди Ихтиёр.

— Эркак кишининг туғилган куни бўлса, мен нима қиламан. Икков бола билан уйда ўтираверaман.

Ихтиёр ғудрана-ғудрана чиқиб кетди.

У Илҳомнинг хонадонидан кайфи тарақ бўлиб тунги соат бирларда қайтди. Уйга томон қадам ташлар экан, хотинидан ўч олишни, қандай қилиб бўлмасин, уни ҳақорат қилишни ўйлар, жанжал чиқаришга баҳона ахтарарди.

Шу ниятда эшикни тепиб очди. Зуҳра апил-тапил чироқни ёқиб, унга рўпара бўлди.

— Нега ҳамма чироқни ёқиб қўйдинг, пулини энанг тўлайдими? — қичқирди Ихтиёр. — Электр тўлови учун берган пул қани, балки ўтган куни уни онангга бериб келгандирсан?!

Зуҳра бояқиш туйқус дағдағадан тамом ўзини йўқотиб қўйди. Бу шовқиндан уйғониб кетган Севара тура солиб онасига ёпишди. Унинг қўрқувдан порлаб турган кўзлари Ихтиёрга бошқача таъсир қилди. Чарақлаган мусаффо бу кўзларда ичкилик қурбони бўлган тубан бир одамга нисбатан чексиз қаҳр-ғазаб ифодаси балқиб турарди.

— Сендан сўраяпман, пул қани? — Ихтиёр шундай деб хотини томон яқинлашган эди, беихтиёр онасини ҳимоя қилмоқчи бўлгандек Севара олдинга чиқди. Кўзлари қаҳрга тўлган Ихтиёр норасида билагидан қаттиқ тутиб, орқага итариб юборди. Ҳозиргина ўзига тикилиб турган чақноқ кўзлардаги нур синди. Севаранинг бошига оғир жароҳат етган эди. У беҳуш йиқилди. Боласининг аҳволини кўрган она дод солиб, одамларни ёрдамга чақирди. Қўни-қўшнилар кириб келишганда Севара тўшак устида ҳушсиз ётар, бора-бора ранги қочиб, мурда тусини ола бошлаганди...

Қўни-қўшнилар Севарани тезроқ касалхонага етказишга ҳаракат қилишди. Бояқиш қизалоқ хонадондан чиқаётган маҳал онаизорнинг ҳасрат-надоматга тўла ноласини эшитганда кўзини бир очди-ю, юмди. Касалхонада ҳам ўзига келмади... Айни ўйнаб-куладиган, ота-онаси бағрида болалик подшолигини сурадиган пайтда...

Ичкиликбоз Ихтиёр Исоқов қилмишига яраша жазосини олди. Аммо Севаранинг айби нима эди? Қолаверса, қўни-қўшнилар, маҳалла-кўйдаги оқсоқоллар бу мудҳиш ҳодисанинг олдини олса бўлмасмиди? Нега улар кунда, кунора бўладиган жанжалдан ўзларини четга олишди. Бу савол жумбоқ... Мана шу бефарқлик Севаранинг қурбон бўлганигина қолди, холос...

Бахтиёр ЙЎЛЧИЕВ,
Марҳамат тумани

So`nggi pushaymon

ҚАЛТИС ҚАДАМ

Баҳриддин мактабни тугатганига қарамай, бирон-бир тайинли ишга киришга шошилмади. Оғирнинг остидан, енгилнинг устидан кун кечиришга уриниб кўрадиганлар тоифасига кириб қолди. Бунинг устига рўзғор ташвиши ҳали бошига тушмаган.

Шундай кунларнинг бирида Баҳриддин Қамбаров Термиз шаҳри кўчаларини бир ўзи "ўлчаб" юрганди, таниши Хурсанд Мардоновни учратиб қолди:

— Дўстим, кўринмайсан. Уйга ҳам келмай қолдинг, ё аразмисан, — дея ҳам кўришган, ҳам сўрашган бўлди у қадрдон жўраси билан.

— Э, нимасини сўрайсан, бир бало қилиб кунни кеч қилиб юрибман-да. Бекорчилик ҳам жонга тегди, — деб ҳасрат билан жавоб қилди Хурсанд.

— Ҳа, гап буёқда дегин. Хоҳласанг, кичик бир "бизнес" қиламиз.

— Қанақа бизнес?

— Учқизил томон борамиз. У ёқда қўлбола жувозлар кўп деб эшитдим. Арзон нархда мой сотиб олсак, Термиздаги "Барчиной" бозорида бир пасда пуллаб оламиз. Таниш тижоратчи ака бор. Ўша ҳаял ўтмай ишимизни битириб беради.

Улар "ёғ тижорати"ни дилга жойлаб, Учқизил томон йўл олишди. Бу кичкина қишлоқ ҳар томонлама қум барханларига туташ бўлиб, жиндай овлоқроқ, қишлоқ одамлари ҳам ҳар томондан кўчиб келган ўзига яраша бир макон. Баҳриддин жўраси Хурсанд билан қумга туташ бу қишлоқни кеч оқшомгача кезди. Ишлари жиндай чала бўлгач, Термиз томон қайтмоқчи ҳам бўлишди. Аммо аксига олиб бу томонларда кечки пайт машиналарнинг Термиз томон йўл олиши камдан-кам учраркан.

— Нима қилдик, ётиб қолишга тўғри келаяпти-ку! — деб дўстини саволга тутди Баҳриддин.

— Ҳа, соат 21 дан ошди. Қиш кунларида бу ердан машина бўлмайди. Хоҳласанг, бир таниш опа бор, ўшаникига бориб тунаймиз.

— Қани, бошла, совуқ ҳам бадандан ўтиб кетди, — дея қатъий гапирди Баҳриддин.

Улар Учқизил қишлоқ марказидаги хонадон эшигини қоқишди. Дарвозадан чиққан Робия Хидировага:

— Опажон, тижорат ишлари билан келгандик, кеч қолиб кетдик. Шу оқшомга жой берсангиз — дейишди икковлон ялинганнамо.

Робия опа совуқдан қалтираб турган икки ўспиринга раҳми келди шекилли, уларни ичкарига таклиф қилди. Иссиқ чой олиб келиб, хонтахта устига қўйди. Шу пайт хонага кириб келган бўйи-басти ўзига яраша, кўҳликкина Робия опанинг қизи Манзура Хидирова бир қарашдаёқ Баҳриддиннинг юрагидан "уриб" қолди. "Чиройлигина экан. Қадди ҳам ўзига яраша. Бир уриниб кўриш керак", ўйлади у. Йигитлар шу кеча тунаб қолишди.

Баҳриддин эса эрта-индин амалга оширадиган ҳийлаю-найрангларнинг дунёси билан хаёлларга чўмиб мижжа қоқмади. Эрталаб йўлга отланиш пайтида:

— Манзура, кеча менинг паспортимни олган эдинг. Қайтариб бер, — дея дастлабки ёлғонни ўртага сочди Баҳриддин.

— Мен паспорт олганим йўқ, билмайман,— деб жавоб берди Манзура. Гап шу билан ўз нуқтасини топганди. Аммо Баҳриддин найранг кўрсатишда давом этди. Манзурани қандай йўл билан бўлса ҳам ўз тузоғига илинтириш унинг миясини тарк этмаганди. Орадан бир ҳафта ўтгач, у жўраси Хурсанд билан яна Робия Хидирова хонадонида пайдо бўлди.

— Қизингизга айтинг, паспортимни берсин, — деди Баҳриддин Робия опага ўдағайлаб. Она қизини тергай бошлади.

— Мен олганим йўқ, билмайман — деб жавоб қилди Манзура яна.

— Энди бошқа чора йўқ. Мен ички ишлар бўлимидан ходимларни чақиртираман. Хурсанд, сен шу ерда кутиб тур! — дея "ғазаб" отига минганича уйдан чиқиб кетди Баҳриддин. У орадан бир пас ўтгач, шу маҳалла нозири, посбонини ҳовлига бошлаб келди. Улар агар паспорт Манзурада бўлса қайтариб беришини сўрашди. Мабодо йўқолган бўлса, Баҳриддин бошқа паспорт олиши мумкинлигини тушунтиришди...

Ҳовлидагилар ташқарига чиқишгач, Манзура билан ёлғиз қолган Баҳриддин уни аврай бошлади:

— Менга қара, паспортни Термиздаги момомникига қўйиб келганман, деб айт уларга. Бўлмаса сени ички ишлар бўлимига олиб бориб, тергов қилишади. Яна ҳозир бирга бориб уларга момомникидан паспортни олиб бераман де. Бирга Термизга борамиз. Тушундингми?

Эндигина 14 ёшга тўлган Манзура Хидирова ҳам заифалигига бориб Баҳриддиннинг барча айтганларини ҳовлига қайтиб кирган одамларга айтиб берди. Гўё масала ечими бархам топгандай эди...

Баҳриддин қўйган тузоққа илинган Манзура у билан бирга Термиз шаҳрига йўл олди. Улар шаҳарга келишгач, йигит қизни "Барчиной" бозоридаги таниш тижоратчи акаси ёнига олиб бориб деди:

— Сирожиддин ака, бугун менинг туғилган куним.

— Э-э, табриклаймиз. Неча ёшга кирдинг? — ёлғонга ишонди у.

— Роппа-роса йигирмани урдим бугун — кувноқ гапира туриб ёнида жилмайиб турган Манзурага қараб қошини қоқиб қўйди у.

— Энди, укажон, бу анжуманни ювиш керак. Қани, уйга борайлик. Янганг бирон нарса тайёрлаб қўйган бўлса, жуда зўр бўлади.

Баҳриддин тўқиган ёлғон шу оқшом содир этиладиган жиноят дарвозасини очиб юборган эди.

Улар тижоратчи "амаки" хонадонида кеч оқшомгача телевизор кўриб ўтиришди. Баҳриддин олдиндан ўйлаб қўйган режасини амалга ошириш вақти келганини англаб етди ва:

— Энди, Салим, ака бизга рухсат берсангиз. Барчаси учун раҳмат. Уйга қайтамиз — деди.

— Кеч бўлиб қолди, шу ерда тунаб қолинглар.

— Йўқ ака, Манзура момосиникига боради. Мен уйга кетаман. Яна бир бор раҳмат сизга!

Бу хонадондан чиққач, Манзурани Баҳриддин илгаридан ўзига таниш бўлган тиббиёт коллежида таълим олаётган Иброҳимнинг ижара хонасига бошлаб келди. Бироз ўтириб гурунглашгач, йигитлар ўзларига бир хонага жой солишди. Манзурага эса бошқа хонага жой қилиб берди.

Фолга ишонма, сувга суянма, дейдилар. Бу оқшом содир этилажак мудҳиш воқеадан бохабар шўрлик қиз ширин уйқуда эди. Тун ярмидан ошганда Баҳриддин қиз ётган хонага ёвуз ниятда кириб келди...

— Ғинг десанг ҳозир ўлдираман! — деди у қизга ташлана туриб. Манзура ноилож қолган эди...

Қиз уйига қайтгач, барча бўлган воқеани онасига сўзлаб берди. Буёғи суриштирув ишлари, суд экспертизаси ва ниҳоят қилмишга яраша жазо...

Ёш бир қизалоқнинг умр савдоси, қолаверса, эндигина йигирма ёшни қоралаган Баҳриддин Қамбаровнинг панжара ортида ўтадиган ҳаёти... Хуллас, савол кўп-у жавоб йўқ.

Вояга етмаган қизини нотаниш кишига қўшиб юборган Робия Хидированинг фарзанди олдидаги аянчли аҳволи, ҳали ўн гулидан бир гули очилмасдан жиноят содир этган Баҳриддиннинг онаси Самия опанинг изтироблари...

Не-не умидлар, не-не орзулар ножўя босилган бир қадам сабаб чил-парчин бўлиб синиб кетди. Бу жиноят тафсилоти ҳақида кўп гапириш мумкин. Хуллас, мақолани ёзишдан мақсад — фарзанд саёқ юрса, барибир, бир кун таёқ ейишини унутмаслик кераклигини ҳар бир ота-она қалбидан ҳис этиши, дуч келган кишига ёш фарзандлар тақдирини билар-билмас ишониш улар билмаган тубан кўчаларга бошлаб кетишини унутмаслик кераклигини яна бир бор таъкидлаш эди.

Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

НАЗАРДАН ЙИРОҚ ЯҚИН МАСКАНЛАР

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Бундан кўринадики, вилоят марказида "Уй-жой" кодекси, санитария назорати ва экологик муҳит тозалигини сақлашга қарата чиқарилган қонунлар ижроси ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Яна бир ачинарли тарафи шундаки, айрим тадбирларнинг нуқул мавсумий тарзда ўтказилаётганидир. Бундан уч йил муқаддам шаҳар мутасадди раҳбарлари ташаббуси остида навбатдаги шов-шувли тадбирга бел боғлаб киришилди. Бундан шаҳар санитария назоратини ошириш, меъморлик муаммоларини ҳал қилиш ва ноқонуний тарзда барпо этилган қурилмаларни бартараф этиш назарда тутилгани тадбирнинг хайрли эканидан дарак берарди. Афсуски, қарор ижроси бўйича амалга оширилган саъй-ҳаракатлар бор-йўғи уч ойга ҳам етиб бормади. Аввалда бошқаларга ибрат бўлсин деган мақсадда хўжакўрсинга бир иккита хонадонни тартибга чақиришган бўлишди. Шу билан тадбир ора йўлда қолиб кетди.

Нима бўлганда ҳам, Урганчнинг кўпгина масканлари мутасаддилар пойқадамига муҳтож. Назардан йироқ бундай яқин масканларга қачон эътибор қаратилади? Энг муҳими, буни ўша "ёшулли"ларнинг ўзлари ҳам пайқашаётганмикин?

Ҳамма гап ана шунда.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Адлия вазирлиги жамоаси Молия хўжалиги бошқармасининг етакчи ҳисобчиси Ирина Филипповна Цветаевага отаси ***Филипп Федорович СТУДЕНИКИНнинг*** вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат Юридик институти жамоаси институт доценти ***Мурод СУЛАЙМОНОВнинг*** вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига таъзия изҳор этади.

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шухрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи — 10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Навбатчи: **Бобомурод РАЙИМОВ**
Саҳифаловчи: **Жаъфар ЖАББОРОВ**
Компьютер операторлари: **Мадина АБДУЛЛАЕВА, Дилноза ШОКИРОВА**

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.